O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 2-fevral, chorshanba ● № 5 (706) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

АРИМАГАН ХАВОТИРЛАР



Дунё иқтисодиёти инқироздан чиқдими, агар аҳвол ўнгланмаган бўлса, яна қандай таҳдидлар хавф солмоқда, ривожланаётган давлатларнинг тангликдан чиқиш борасида ўрни қандай бўлади? Шу ва бошқа саволлар 26 январь куни Швейцариянинг Давос шаҳрида очилган 41-жаҳон иқтисодий форумининг бош мавзуси бўлди.

5-бет

ЛАҲЗАДА ҲАЁТ ҚАДРИ

Ҳаётда ҳар хил ҳолатлар бўлади. Гоҳо бемор юраги уришдан тўхтаб қолади. Ўша юракнинг ишлаб кетишини шу қадар истайсанки, ҳатто жону жаҳонингни беришга тайёр бўласан.

6-бет

МАЙДАНАКДАН КОИНОТГАЧА



Майданакда туриб ойнинг (385 минг километр узоқликда) 1 километр ўлчамдаги ландшафт қисмларини кузатиш мумкин бўлса, телескоп МКС орбитал станциясига йўналтирилганда, ҳатто 1 метр ўлчамдаги қисмларни, яъни станциядаги носозликларни тузатиш учун очиқ космосга чиққан космонавтни ҳам яқиндан кўриш мумкин.

8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқувчиларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш, ахборот ва компьютер технологияларини ўзлаштириш, мавжуд моддий-техник базадан оқилона ва самарали фойдаланиш, битирувчиларни ишга жойлаштириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб қилиш ҳамда вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қонунчилик ижросининг аҳволи, шунингдек, ушбу масала юзасидан Тошкент ва Сирдарё вилоятларида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

«O'zbekiston havo yo'llari» Миллий авиакомпаниясида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Миллий авиакомпания ташкил топганининг 19 йиллиги муносабати билан ўтказилган мазкур тадбирда 2010 йил якунлари сарҳисоб қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасида «Баҳолаш фаолияти соҳасида ислоҳотларни амалга ошириш ва баҳолаш фаолиятини такомиллаштириш борасида эришилган ютуқлар ҳамда мавжуд муаммолар» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

✔ Муносабат



Шу кунларда вилоятимиздаги барча касб-ҳунар коллежлари ва лицейларда Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган мажлисидаги маърузаси батафсил ўрганилмоқда. Хусусан, касб-ҳунар коллежлари фаолиятида энг заиф бўлиб турган бўғинларга тегишли муаммолар аниқланяпти. Тажрибали педагог-мураббийлар ва мутахассисларнинг Юртбошимиз кўрсатмалари ижросини таъминлашга қаратилган истак ва таклифлари таҳлил қилинмоқда.

Шароит, бурч ва масъулият

Маърузада таъкидланганидек, 2011 йилда ҳам умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантириш давом эттирилиши, иш ҳақлари камида 25 фоизга оширилиши, таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари жадал суръатда амалга оширила бориши, қарийб 1500 та компьютер синфлари ташкил қилиниши, қўшимча равишда яна 1,5 мингта компьютер синфи жиҳозланиши назарда тутиляпти-ки, бу авлодларимиз истиқболи йўлидаги амалга оширилаётган ғамхўрликнинг яна бир кўринишидир. Ўқитувчи ва мураббийлар учун яратилаётган шарт-шароитлар кўламининг кенгайиши биздан муносиб даражада фаолият кўрсатиш, ёш авлодга билим ва тарбия бериш самарасини оширишни талаб этади.

2 »

✔ 2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

«Манзилимиз Бекободда»



Бекобод — ўз қора метали ва цементи билан танилган шаҳар. Лекин тиришқоқ, ҳаракатчан ва ташаббускор инсонларнинг саъй-ҳаракати билан бугун у ҳунармандлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар шаҳри сифатида ҳам довруғ қозоняпти. Унинг кичик ва хусусий корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўз сифати, кўримлилиги, мўътадил нархи, рақобатбардошлиги туфайли нафақат музофот бозорлари, балки Фарғона водийси, Зарафшон воҳаси, олис Қорақалпоғистон бозорларида ҳам ўз харидорини топмоқда.

3 »

✔ Тафсилот



Давлатимиз рамзлари — шижоат ва ғурур манбаи

Мустақил Ўзбекистоннинг давлат рамзлари халқимизнинг шоншарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассам этиб, шу азим юртда яшовчи ҳар бир фуқарога ғурур, ифтихор бағишлайди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов қайд этганидек, "Биз, озод Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари — Давлат герби, Давлат байроғи, Давлат мадҳияси азиздир. Улар маънавиятнинг энг муҳим тимсоллари ҳамдир. Улар она Ватан — Ўзбекистон Республикасига ифтихор ва чексиз ҳурмат туйғусини тарбиялайди". Шу боис, байроғимиз ёки гербимизга назар солганимизда ёки мадҳиямиз янграганда биз руҳан жўшқинликни, азму шижоатимиз ошганини, қалбимизда ғурур ва буюк истиқболга ишонч туйғусининг кучайганини ҳис этамиз.

2 »

Давлатимиз рамзлари — шижоат ва ғурур манбаи

(Бошланиши 1-бетда.)

Миллий рамзларимизга бўлган ҳурмат-эътиборни сақлаш, улар тўғрисидаги қонунларни мукаммаллаштириш давр талабидир. Шу мақсадда Олий Мажлис Сенатининг ўтган йил 3-4 декабрда бўлиб ўтган тўртинчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун қабул қилинди. 2010 йил 25 декабрдан кучга кирган мазкур қонун мустақил давлатчилигимизнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлган давлат рамзлари тўғрисидаги қонунларни илғор халқаро тажрибага мослаштириш, бугунги воқелик талабларидан келиб чиқиб, уларни янада такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур қонунга мувофиқ "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг Давлат байроғини кўтаришга оид қоидаларни белгиловчи 5-моддаси ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонуннинг Давлат герби тасвирини акс эттиришга оид 4-моддаси янги таҳрирда баён этилди. Уларда Давлат байроғини доимий равишда, байрам, сайлов ёки референдум кунларида, спорт майдонларида ва бошқа жойларда кўтариш, шунингдек, Давлат гербини давлат органлари биноларида, хизмат хоналарида, қонун ҳужжатлари бланкаларида, давлат органлари ва ташкилотларнинг муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида, бошқа объект ва предметларда акс эттириш ҳолатлари кенгайтирилди ва аниқлаштирилди.

Маълумки, давлатимиз байроғида қўлланилган рангларнинг ҳар бирида ўзига хос мазмун ва аҳамият мужассам. Хусусан, ундаги оқ ранг тинчлик ва поклик тимсолидир. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонунга ана шу рангга тегишли тавсифларни қучайтириш мақсадида бир қатор қўшимчалар киритилди. Хусусан, қонуннинг 3 ва 4-моддаларидаги "Янги ой ва юлдузларнинг" сўзлари "Оқ рангли янги ой ва ўн иккита оқ рангли беш қиррали юлдузларнинг" сўзлари билан, "Янги ой" сўзи "Оқ рангли янги ой" сўзи билан, "юлдузлар" сўзи "ўн иккита оқ рангли беш қиррали юлдузлар" сўзлари билан алмаштирилди.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонунга янги 5^1-модда киритилиб, Давлат байроғи тасвири туширилган белгилардан фойдаланиш тартиби мустаҳкамланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемалари давлат реестри ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳаво кемалари давлат реестрига киритилган ҳаво кемаларига, шу билан бирга, Авиация маъмурияти ҳисобида турувчи экспериментал ҳаво кемаларига, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда автомототранспорт воситалари ва улар тиркамаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақам белгиларига, Ўзбекистон Республикасининг асосий чегара белгисига Давлат байроғи тасвирини ифодаловчи белгилар қўйилиши ҳақидаги қоидалар акс эттирилди. Айни пайтда, Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгилаш мақсадида предметларда, ўқув-тарбия жараёнида, шунингдек, давлат мукофотларининг элементи сифатида фойдаланиш мумкинлиги назарда тутилди. Айнан шундай қоида "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирда баён этилган 4-моддасида — Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвиридан фойдаланишга нисбатан ҳам белгиланди.

Бундан ташқари, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонунга яна бир янги, 5^2-модда киритилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи элементларини нодавлат ташкилотлар ҳужжатларининг реквизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмаслиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш ман этилиши, қолаверса, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига ўхшаш бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги қоидалар белгиланди. Бу қоидалар "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонуннинг 5^1-моддасида ҳам акс эттирилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи элементларини нодавлат ташкилотлар ҳужжатларининг реквизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмаслиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш ман этилиши, қолаверса нодавлат нотижорат ташкилотларнинг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига ўхшаш бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги қоидалар белгиланди.

Давлат рамзлари ҳақидаги қонунларни такомиллаштириш заруратига кўра "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Қонунга ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, ушбу қонуннинг Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ижро этилишини назарда тутувчи 3-моддаси янги таҳрирда баён этилди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш чоғида — у қасамёд қабул қилганидан сўнг; Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сессияларининг ва Сенат ялпи мажлисларининг очилиши ҳамда ёпилиши чоғида; умуммиллий байрамларга бағишланган тантанали йиғилишлар ва мажлисларнинг очилиши чоғида; давлат телевидение ва радиоэшитириш компаниялари томонидан ҳар куни — кўрсатув ва эшиттиришлар бошланишидан аввал ва тугаганидан сўнг, кечаю кундуз кўрсатув ва эшиттиришлар олиб борилганида — соат 6 да ва соат 24 да, янги йил кечасида — соат 24 да; республика ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни нишонлаш юзасидан, атоқли сиёсий, давлат, ҳарбий арбоблар, халқ қаҳрамонлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари шарафига ўрнатилган ҳайкаллар, шунингдек, монументлар, ёдгорликлар ва бошқа иншоотларнинг очилиши чоғида; давлат органлари, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган маросимлар ва бошқа тантанали тадбирлар вақтида Давлат байроғини кўтариш чоғида; расмий сафар билан юртимизга ташриф буюрган хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш чоғида — тегишли хорижий давлатнинг давлат мадҳияси ижро қилиб бўлинганидан кейин; ҳарбий маросимларни ўтказиш вақтида — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий уставларига мувофиқ; умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида — янги ўқув йили бошланиши ва ўқув йили тугаши маросимлари чоғида; спорт майдонларида — Ўзбекистон Республикаси чемпионатларини, миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида ҳамда халқаро мусобақаларнинг Миллий терма командалар вакиллари бўлган ғолибларини мукофотлаш маросимларини ўтказиш вақтида ижро этилади.

Қонуннинг 7-моддасига киритилган ўзгартиш ҳам алоҳида эътиборга молик. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси кўпчилик ҳузурида ижро этилганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ҳозир бўлган кишилар мадҳияни тик туриб ва ўнг қўл кафтини кўкракнинг чап томонига қўйиб, ҳарбий ва давлатнинг бошқа хизматидаги махсус кийимдаги шахслар эса қўлини бош кийимига қўйиб тинглайди. Башарти, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг ижро этилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг кўтарилиши билан биргаликда амалга оширилса, ҳозир бўлган кишилар унга юзи билан бурилади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларига нисбатан ҳурмат-эҳтиромни кучайтириш, уларни асраш ва эъзозлаш мақсадида қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига янги 203^1-модда киритилгани ҳам муҳим амалий аҳамиятга эга. Мазкур моддага кўра, давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, "Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун давлатимиз рамзларидан фойдаланиш масъулиятини ошириш, уларни янада қадрлаш ва улуғлаш баробарида мустақил давлатчилигимизнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Раҳимжон ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлар номзоди

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг газетаси «Қарақалпақ әдебияты» 2011 йилдан қорақалпоқ, ўзбек, рус ва инглиз тилларида А-3 ҳажмда 16 саҳифада нашр қилинадиган бўлди.

АНДИЖОН. Вилоят ҳокими А.Усмонов Олтинкўл туманидаги Агросаноат касб-ҳунар коллежида таҳсил олаётган ўқувчилар билан учрашди ва уларга танлаган касб, ҳунарларининг жамиятдаги муҳим аҳамияти ҳақида гапирди. Учрашувда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

БУХОРО. 2011 — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан Ғиждувон туман давлат солиқ инспекцияси мутасаддилари ва тадбиркорлар иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда тадбиркорларнинг солиқ тизимига оид турли саволларига жавоблар берилди.

ЖИЗЗАХ. Айни кунларда «Тошкент — Самарқанд» йўналиши бўйлаб замонавий электропоезд ҳаракатини йўлга қўйиш учун Жиззах темир йўл станцияси ҳудудида тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда.

САМАРҚАНД. «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловининг халқ таълими йўналиши бўйича иштирок этганлар орасида Самарқанд шаҳридаги 2-ўрта умумтаълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Нафиса Яҳёева ғолибликни қўлга киритди.

СУРХОНДАРЁ. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган грант танловида «Сурхон ёшлари» газетаси таҳририяти ғолиб деб топилди ва 10 миллион сўм ютуқ билан тақдирланди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Ўртачирчиқ туманидаги 34-мактабда «Миллий қадриятларимизни баркамол авлод қалбига сингдириш — асосий мақсадимиздир» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ташкил этган тадбирда партия дастуридаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ёшларимизни Ватанга садоқат, миллий анъаналарга муҳаббат руҳида тарбиялаш масалалари муҳокама қилинди. Миллий қадриятларни сингдириш жараёни ёшликдан бошланиши, бунда бошланғич ва ўрта таълим муассасаларининг роли катта экани таъкидланди.

ФАРҒОНА. Марғилон шаҳрида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Тадбирда 37 та корхона ва хусусий ишлаб чиқариш фирмалари қатнашди. Бу ерда 64 нафар фуқаро вақтинча ишсиз сифатида рўйхатга олиниб, улардан 41 нафари ўша куниёқ «Оршах», «Спентекс», «Водий малика баракот» корхоналарига ишга қабул қилинди.

ХОРАЗМ. Янги йилнинг илк ойида «Урганч ёғ» очиқ акциядорлик жамиятида гидрогенизация цехи қурилиб, ишга туширилди. Айни кунларда 80 нафар ишчи хизмат қиладиган цехда техник ва озуқа мақсадида қўлланиладиган саламас маҳсулоти ишлаб чиқариляпти. Бу маҳсулотдан совун, маргарин ишлаб чиқаришда фойдаланилмоқда.

ҚАШҚАДАРЁ. Қирққа яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган «Qarshi-mebel» корхонасида ISO-9001:2000 сифат менежментининг халқаро тизими жорий этилган. Ўтган йили бу ерга янги технологиялар ўрнатилди. Бу мебель маҳсулотларининг сифатини ошириш ва турини кўпайтириш имконини берди. Корхонада 2010 йили 670 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жорий йилда ушбу кўрсаткични янада ошириш чоралари кўрилмоқда.

Шароит, бурч ва масъулият

(Бошланиши 1-бетда.)

Аввало, ҳар бир ўқитувчи-мураббийнинг ўз бурчи олдидаги масъулият ҳисси юқори бўлмоғи лозим. Ёшларга қуруқ насиҳат билан эмас, балки ибрат кўрсатиб таълим-тарбия бериш мақсадга мувофиқдир. Тарбиячининг шахсий маданияти, билим ва услуб малакаси, қолаверса, амалиёт салоҳияти кучли бўлмаса, кўзланган маррага эришиш қийин.

Президентимиз маърузасида коллежларимиз фаолиятидаги энг заиф бўғинларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Хусусан, 9-синф битирувчилари касб-ҳунар таълими билан тўлақонли қамраб олинишини назарда тутган ҳолда, уларни ўқишга қабул қилишни тегишли равишда тартибга солиш масаласида шундай фикр мавжуд: Маълумки, бизда "нуфузсиз" коллежнинг ўзи йўқ. Юртимизда ҳар бир касб-ҳунар бўйича минг-минглаб ёш мутахассисларга эҳтиёж бор. Болаларга мактабдаёқ ўзлари яшаб турган ҳудудлардаги касб-ҳунар коллежлари ва улардаги ихтисосликлар моҳиятини сингдириб бориш эса зиммамизга янада катта масъулият юклайди.

Шу мақсадда касб-ҳунар коллежларимиз ҳам мактаблар билан доимий мустаҳкам алоқада бўлишлари шарт. Болалардаги лаёқат, қобилиятни белгилашда мактаб ҳамда оилалар ҳамкорлигининг самараси катта бўлади, деб ўйлаймиз.

Ўқитувчилар таркибини тайёрлаш сифати ва уларнинг малакасини ошириш борасида ҳам қилинадиган ишлар талайгина. Касб-ҳунар коллежларимизда бой иш тажрибасига эга, салоҳияти кучли кўплаб ўқитувчи-мураббийларимиз сафини янада кенгайтиришда лоқайдликка йўл қўймаслик, мавжуд қусурларни бартараф этиш учун барча имкониятларни ишга солиш масаласига катта эътибор бериш талаб этилади.

Маърузада: "Касб-ҳунар коллежларини тамомлаб чиқаётган битирувчиларни ишга жойлаштириш. Бу масала, кўп жиҳатдан, уларни тайёрлаш сифати ва меҳнат бозорини қанчалик чуқур ўрганишимизга боғлиқ эканини унутмаслик зарур" деб алоҳида таъкидланган.

Касб-ҳунар коллежи битирувчилари, албатта, иш ўрни билан таъминланиши лозим. Бунинг учун, аввало, коллеж битирувчиси ўзи танлаган ихтисослик бўйича меҳнат фаолиятига кўникма ҳосил этиши ҳам керак. Бу бевосита таълим муассасалари зиммасига катта масъулият юклайди. Битирувчиларнинг иш билан бандлигини таъминлашда коллеж, маҳаллий ҳокимликлар, меҳнат биржалари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари ҳам фаоллик кўрсатса мақсадга мувофиқ бўларди.

Хулоса қилиб айтганда, биз соҳа ходимлари олдида турган вазифаларни сидқидилдан адо этиш келажак авлодни малакали мутахассислар бўлиб етишишларига яқиндан кўмак беради.

Тўлқин ХОЛМАТОВ,
Фарғона туманидаги Компьютер технологиялари коллежи директори, халқ таълими аълочиси, "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби

Ташаббус

Эзгулик чегара билмайди

Республика Касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойи иштирокчилари юртдошларимизни кўчат экишга даъват этиб, қабул қилган мурожаатида шундай дейилади: "Ўзбек халқи ва Ўзбекистон тупроғининг қувватидан ранг олган сархил меваларимиз миллатимиз довруғини дунёга таратмоқда. Юртимиз Олтиариқнинг олтиндек узумлари, Бахмалнинг юлдуздек олмалари, Мирзачўлнинг тилни ёрар қовунлари билан машҳур.

Миришкорларимизнинг меҳнати самараси нафақат ички ва ташқи бозорларни тўлдиради, балки муҳим даромад манбаи ҳамдир. Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйига тўёна сифатида "Кўчат экиш — савобдир" шиори остида хонадонимиз, маҳалламиз ва юртимизнинг янада обод бўлиши учун барчангизни кўчат экишга, гул ўтказишга, томорқангизда мўл сабзавот-полиз маҳсулотларини етиштиришга даъват этамиз!.."

— Бу мурожаат аждодларимиз анъаналарига садоқатимиз, она-заминга бўлган чексиз муҳаббатимиз инъикосидир, — дейди Ўзбекистон ёқилғи-энергетика мажмуи, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакили, Қурултой иштирокчиси Жумақул Қурбонов. — Биз, касаба уюшма фаоллари бу ташаббуснинг ташкилотчилари сифатида тизимдаги ходимларни, зиёлилар, талаба-ўқувчилар, фахрийларимизни, хуллас, барча-барчани бу ишга камарбаста бўлишга чақирдик. Ва баҳорги ишларимизни бугундан режалаштирдик.

Дарҳақиқат, вилоятда биргина вакиллик тармоқ тизимига қарашли корхона ва ташкилотлар саъй-ҳаракати билан йигирмата боғ яратиш режаси ишлаб чиқилди. Уларнинг энг кичиги 5 гектар, энг каттаси 50 гектарни ташкил этади. Хусусан, Муборак газни қайта ишлаш заводида ишчи-ходимлари мурожаатга жавобан 43 минг туп мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари экишни режалаштирдилар. Китоб туманида эса 50 гектарлик, Муборак туманида 5 гектарлик янги боғлар яратиладиган бўлди. Бунинг учун 35 миллион сўм маблағ сарфланади.

"Шўртангазкимё" мажмуи Қарши — Ғузор йўналишидаги автомагистраль атрофига, агроучасткаларга ҳамда корхона ҳомийлигидаги ташкилотлар ва ўқув масканлари ҳудудларига 83 минг туп мевали ва манзарали кўчатлар экишни мўлжаллади. Айни пайтда маҳаллий иқлим шароитига мос келадиган Ҳиндистон пипени, шарқ туяси, саксовул, сосна, чаппа, тут, беҳи, жийда, гужум каби дарахт кўчатлари танланаяпти.

Таллимаржон ИЭС унитар корхонаси жамоаси эса Яккабоғ туманидаги «Турон» ММТП ҳудудида 50 гектар майдонда янги боғ бунёд этади. Бу ерга 4220 туп асосан мевали кўчатлар экилади. Уни экишдан тортиб тартибга солиш мобайнида қарийб 24 миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, "Қарши нефть базаси" унитар корхонасининг 150 нафар муҳандис-техник ходимлари ҳам ҳар бир киши ҳисобига 20 тадан жами 3 минг туп мевали ва манзарали ниҳоллар экишни ўз зиммаларига олдилар.

— Албатта, бундай эзгу ишлар чегара билмайди, — дейди суҳбатдошимиз. — Ниятимиз, мурожаатда қайд этилганидек, беш-ўн йил ўтиб, эккан ниҳолларимизнинг мевалари фарзандларимиз, набираларимиз, улардан кейинги авлодларимиз дастурхонини тўкин қилсин!

Ғулом АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

ЖАРАЁН

✓ Фаолият

Иқтисод таянчи

Солиқлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 12-моддасида белгиланганидек, муайян миқдорларда мунтазам ундириладиган, қайтариб берилмайдиган ва бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловларидир.

Солиқ кодексининг 23-моддасида мамлакатимизда амал қиладиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгилаб берилган. Шунга мувофиқ, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, сув ресурслари, ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ҳамда газдан фойдаланганлик учун олинадиган солиқ турлари мавжуд.

Бошқа мажбурий тўловларга ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар, ягона ижтимоий тўлов, фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари, мажбурий ажратмалар, республика йўл жамғармасига мажбурий тўлов, йиғим ҳамда мажбурий ажратмалар, давлат божи, божхона тўловлари, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимлар киради.

Амалдаги Солиқ кодексининг 32-моддасида солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари ўз аксини топган. Унга кўра солиқ тўловчилар ўз мажбуриятларини вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши, қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий, солиқ ҳисоботини тузиши керак. Шунингдек, давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органларга имтиёзлар олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши, текширувлар ўтказилаётган вақтда тегишли ҳужжатлар ҳамда маълумотларни тақдим этиши, солиқ органлари ходимларининг қонуний талабларини бажариши, улар фаолиятига тўсқинлик қилмасликлари шарт.

Солиқ тўловчининг ғайриқонуний ҳаракати солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади. Бундай ҳолатда шуни алоҳида қайд этиш ўринлики, ҳеч ким солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун Солиқ кодексида назарда тутилганидан бошқа асослар бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Аммо солиқ тўловчининг солиққа оид ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарликка тортилиши уни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятидан озод этмайди.

Шахснинг айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунича у солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор ҳисобланмайди. Жавобгарликка тортилаётган шахс ўзининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбсиз эканини исботлаши шарт эмас.

Солиқ тўловчи солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарликлар содир этган тақдирда молиявий санкциялар ҳар бир ҳуқуқбузарликка нисбатан алоҳида-алоҳида қўлланади.

Солиқ тўловчи солиқ текшируви ўтказилгунига қадар хатони ўзи тузатса, жавобгарликдан озод этилади (пеня тўлаш бундан мустасно).

Солиққа оид ҳуқуқбузарликнинг илгари худди шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган шахс томонидан содир этилгани жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат саналади.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга — молиявий санкциялар суд тартибида қўлланилади (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати ўтказиб юборилгани учун пеня ҳисоблаш, шунингдек, солиқ тўловчи содир этган ҳуқуқбузарликдаги айбини тан олган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар бундан мустасно).

Солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеня материалларни судга берилган кундан эътиборан ўттиз кун ичида ихтиёрий равишда тўланган тақдирда тадбиркорлик субъекти ўзига нисбатан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламагани учун жарималар қўлланишидан озод қилинади.

Солиқ соҳасида киритилган янгиликлар тадбиркорларимизга жаҳон бозорларида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллашга хизмат қилади.

Президентимизнинг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига кўра 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларининг қуйи шкаласи энг кам иш ҳақининг 6 баробаридан 5 баробарга туширилиб, солиқ ставкаси 11 фоиздан 10 фоизга камайтирилди. Ўрта шкаласи энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан 10 баробаригача, солиқ ставкаси 17 фоиздан 16 фоизгача камайтирилди. Юқори шкаласи эса энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан юқори бўлганда 22 фоиз ставкада солиқ ҳисоблаш сақлаб қолинди.

Мамлакатимиз солиқ ва бюджет сиёсатида 2011 йилда киритилган ўзгартиришлар, яъни кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ставкаларининг пасайтирилиши ҳамда солиқ юкини камайтиришга қаратилган бошқа тадбирлар ҳисобидан жами 137 миллиард 200 миллион сўм маблағ солиқ тўловчилар ихтиёрида қолдирилиши кутилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, улар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш мақсадида сўнгги беш йил давомида ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоизга туширилди. Бу 2005 йилдаги 13 фоиздан 2010 йилга келиб 7 фоизга пасайтирилди, деганидир.

2011 йил учун солиқ ва бюджет концепциясида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини рағбатлантириш мақсадида микрофирма ва кичик корхоналар учун (савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари) ягона солиқ тўловининг амалдаги базавий ставкаси 7 фоиздан камайтирилди ва 6 фоиз миқдорида белгиланди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда амалдаги солиқ ислоҳотлари тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишлари учун кенг имкониятларни яратади. Бу имкониятлардан оқилона фойдалана билиш эса мустаҳкам иқтисодий замин яратишнинг бош омилидир.

Давлат солиқ қўмитаси ахборот хизмати

Диққат, ҳуқуқингиз ҳимояланган!

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашга қонун бузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда,

Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки "007" қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин ("007" қисқа рақамига қўнғироқ фақат туман ва шаҳар АТС рақамларидан амалга оширилади).

№	Прокуратура органлари	Код	Ишонч телефонлари
1	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	8371	232-43-91 232-45-40
2	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти	8371	233-84-20
3	Андижон вилоят прокуратураси	8374	224-06-09
4	Бухоро вилоят прокуратураси	8365	223-74-79
5	Жиззах вилоят прокуратураси	8372	226-09-62
6	Қашқадарё вилоят прокуратураси	8375	22107-82
7	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	8361	222-26-39
8	Навоий вилоят прокуратураси	8436	225-07-17
9	Наманган вилоят прокуратураси	8369	226-23-02
10	Самарқанд вилоят прокуратураси	8366	235-07-34
11	Сирдарё вилоят прокуратураси	8367	223-38-22
12	Сурхондарё вилоят прокуратураси	8376	223-20-36
13	Тошкент шаҳар прокуратураси	8371	273-74-81
14	Тошкент вилоят прокуратураси	8371	277-76-18
15	Фарғона вилоят прокуратураси	8373	224-04-80
16	Хоразм вилоят прокуратураси	8362	227-45-71

Бундан ташқари, барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари, фуқароларнинг кундалик қабули навбатчилик асосида тўхтовсиз ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ

«Манзилимиз Бекободда»

(Бошланиши 1-бетда.)

«Бекободсуперсервис» масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш йўлидан дадил бораётган ана шундай корхоналарнинг биридир. Ёш тадбиркор Ғайрат Каримбоев 19 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя киритиб, автомобилларга газ қуйиш шохобчасини қуриш лойиҳасини амалга ошириш ташаббуси билан чиққанида, унга кўпдан буён ўтган-кетганнинг кўнглини хира қилиб турган чекка, ташландиқ бир жой ажратиб берилган эди. Ҳозир ўша жой бу ғайрат-шижоатли инсоннинг саъй-ҳаракати билан шаҳарнинг обод масканларидан бирига айланди. Асосийси, Ғайрат Каримбоев Хитойнинг «Нанфан» фирмаси билан бевосита шартнома асосида энг янги, замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатди. Ёшлардан 20 кишини ишга қабул қилиб, янги касбларга ўқитди. Ҳозир бу замонавий газ қуйиш шохобчаси хизматидан ҳар куни юзлаб автомобиль эгалари фойдаланмоқда.

— Фаолият турини кенгайтириб, музқаймоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватини ишга туширдик, — дейди тадбиркор. — 22 нафар йигит-қизни замонавий технологияни бошқаришга ўргатиб, маҳсулотларимиз хилини кўпайтирдик, сифатини энг юқори андозалар даражасига кўтардик. Албатта, кўримли қадоқлашни ҳам эътибордан четда қолдирмадик.

Шу кунларда тиниб-тинчимас тадбиркор сутни қайта ишлаш корхонасини барпо этиш ҳаракатида юрибди. Бунинг учун хитойлик ҳамкорлари билан музокаралар олиб бориб, имтиёзли давлат кредити ҳисобидан 500 миллион сўмлик технологик ускуналар олиб келмоқчи. Улар ўрнатилиб, ишга туширилгач, яна 40 га яқин иш ўрни очилади. Энг муҳими, замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилган сут маҳсулотлари ички бозорларимизни тўлдиради.

— Тадбиркорларимизнинг ўз хорижий ҳамкорлари билан амалий алоқаларини кенгайтиришни кўзловчи янгиликларимиз етарли, — дейди шаҳар ахборот-маслаҳат марказининг раҳбари Шерали Исмоилов. — Чунончи, яқинда Ўзбек-Хитой савдо уйининг дилерлик пункти ташкил этилди. Эндиликда тадбиркорларимиз Хитойга бизнес сафари уюштириш, хорижий минитехнологияларни олиб келиш, ўрнатиш ва ишга тушириш масалаларини ҳал қилиш бўйича савдо уйи хизматларидан бевосита шу ернинг ўзида фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.



Умуман, ахборот-маслаҳат марказига тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун ёрдам сўраб мурожаат қилувчилар кейинги кунларда кескин кўпайди. Марказ ходимлари уларга таъсис ҳужжатлари, бизнес-режалар тайёрлаш, кредит олиш ва бошқа масалаларга доир ҳуқуқий маслаҳатлар бериб, амалий ёрдам кўрсатяптилар.

Тобора ободонлашиб бораётган Бекобод шаҳрида тадбиркорлик ҳаракати кенгайиб, янги-янги кичик корхоналар оёққа туриб, барқарор ривожланиш йўлига ўтиб боряпти. Ана шундай тадбиркорлик фаолиятини юритаётган «Алишербек — Файз — Савдо» хусусий корхонаси ҳам ўз маҳсулот турларини кўпайтириб, олис-яқин истеъмолчилар назарига тушиб улгурди. Корхона раҳбари Ҳасан Назаров «Ташаббус-2010» кўрик-танловининг Тошкент вилоят босқичида иккинчи ўринни эгаллади. Ташаббускор тадбиркор технологик ускуналарни янгилаш лойиҳалари қанчалик изчил амалга оширилаётгани хусусида шундай деди:

— Биз ўтган йили Россиянинг «Восход» фирмаси билан ҳамкорликка киришиб, нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 100 миллион сўмлик минитехнология олдик. Ускуналарни монтаж қилиб, қисқа фурсатда ишга туширдик.

Айни пайтда «Алишер — Файз — Савдо» хусусий корхонаси кунига 75 тоннагача нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаряпти. Улар шаҳардаги 12 та дўконга шартнома асосида етказиб берилмоқда. Бу маҳсулотларнинг сифатию мазаси бекободликларга манзур бўлаётир.

Дарвоқе, корхонада яна бир янгилик бўй кўрсатяпти. Тадбиркор булочка-кондитер цехини ишга тушириш арафасида. У тўла қувват билан ишлай бошлагач, яна 8 киши муқим иш ўрнига эга бўлади.

— Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган ярмаркада қатнашиб, ишбилармон ҳамкорлар таклиф этган технологик ускуналарни 20 фоиз ўз маблағимиз, 80 фоиз кредит ҳисобидан сотиб олдик, — дейди Ҳасан Назаров ишга тушишга тайёр бўлиб қолган янги ускуналарга фахр билан боқиб. — Муносабатларимиз барқарор тус оляпти. Жорий йилда «Ипотека» банкидан кредит олиб, яна 50 миллион сўмлик технологик ускуналар олиб келиш ниятидамиз.

Шаҳар маҳаллаларини айлансангиз, «Архимед» хусусий шифохонаси, «Ширин — Орзу — Қувонч» масъулияти чекланган жамияти, «Гулзода» гўзаллик салони сингари ўнлаб тадбиркорлик жамоаларининг қизғин фаолияти билан танишасиз. Ким билан суҳбатлашманг, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили уларга янги куч бағишлаётгани, янги-янги ғоялар, лойиҳаларни амалга оширишга киришаётганликлари ҳақида гапиришади. Чунончи, «Архимед»да бош шифокор Исомиддин Чинов янги ташхис ва даволаш ускуналари олиш, тиббий хизмат турларини кўпайтириш ҳаракатида. «Гулзода»нинг бекаси Гулбаҳор Мираҳимова мижозлар кўнглига йўл топиш имкониятларини кенгайтириш устида изланмоқда. «Ширин — Орзу — Қувонч» корхонаси раҳбари Алижон Ғафуров эса вафли ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи. Режа амалга ошса, иш ўрни 40 тагача кенгаяди.

Хуллас, бугун Сирдарё соҳилларида чирой очаётган шаҳар аҳли ўзгача руҳ билан яшаяпти. Бу ғайрат, шижоат, тадбиркорлик ҳаракатининг қудратли тўлқини Бекободни юксалишнинг равон, барқарор йўлига олиб чиқмоқда.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Сарҳисоб

Вазифалар белгилаб олинди

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда адлия органлари ва муассасаларининг 2010 йил давомида амалга оширилган ишлари сарҳисоб қилиниб, 2011 йилда қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш юзасидан муҳим устувор вазифалар белгиланди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида 1141 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси экспертизадан ўтказилиб, тегишли хулосалар берилган. Ундан ташқари, 319 та идоравий меъёрий ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказилиб, 1 минг 293 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат ҳисобига олинган.

Шунингдек, фуқаролар, тадбиркорлар, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳамда шартномавий муносабатларни назорат қилиш бўйича жами 8 мингдан ортиқ иш кўрилиб, 203 мингдан зиёд қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида тегишли қонуний чоралар кўрилиб, 7 минг 800 дан ортиқ айбдор шахс интизомий, 353 нафари маъмурий ва 29 нафари жиноий жавобгарликка тортилди, 472 нафари эса эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 1 минг 200 та ҳужжат ижроси тўхтатилган ва бекор қилинган. Тақдимномалар асосида 21,9 миллиард сўм пул маблағлари ўз эгаларига қайтарилган.

Адлия органлари томонидан судларга жами 24 минг 719 та даъво аризаси киритилиб, уларнинг 94 фоиздан ошиғи қаноатлантирилди. Шу жумладан, фермер хўжаликлари манфаатини кўзлаб жами 5 минг 512 та даъво аризаси киритилган бўлиб, улардан 4 минг 524 таси қаноатлантирилган.

Йиғилишда адлия органлари тизимида ташкил этилган "Ишонч телефонлари"га келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш тизимини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, мамлакатимизда иқтисодий ривожланишнинг негизи ҳисобланган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва ноқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш чоралари кўриш лозимлиги таъкидланди.

Ҳайъат йиғилишида, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан адлия органлари олдига қўйилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланиб, жойлардаги ҳудудий адлия органлари ва тизимга кирувчи муассасалар раҳбарлари томонидан ташаббускорликни ривожлантириш, 2011 йилда ҳам нотариат, ФҲДЁ ва адвокатура йўналишларини янада такомиллаштириш юзасидан вазифалар белгиланди.

Ҳайъат мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади
Телефон: (8 371) тел: 233-57-47; факс: 236-09-21
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларни халққа тўлақонли ва тушунарли тарзда етказиб беришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Шу боис, Истиқлол йилларида ОАВнинг эркин фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Айниқса, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва уларнинг ахборот соҳасини демократлаштиришдаги фаол иштирокини таъминлашга йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар амалга оширилгани алоҳида эътирофга сазовор.



ЎзЭОАВМА:

юксак тараққиёт сари

Бундан етти йил илгари иш бошлаган Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси айни пайтда юздан ортиқ нодавлат телерадиоузатувчиларни бирлаштириб, самарали фаолият юритиб келмоқда. Нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасидаги амалий ишлар ўтган Баркамол авлод йилида изчил давом эттирилди. Бу саъй-ҳаракатларни жорий йилда ҳам янада ривожлантириш режалаштирилган.

Шу йилнинг 31 январь — 1 февраль кунлари пойтахтимиздаги "Dedeman" меҳмонхонасида ассоциация ташаббуси билан ўтказилган медиа-кунлар ана шу мақсадда ташкил этилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма йиғилишидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш борасида белгилаб берилган вазифалар тадбир иштирокчиларининг асосий диққат-эътиборида бўлди.

Тадбирларда парламент аъзолари, мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар вакиллари, ОАВ соҳасидаги мутахассислар, ҳудудий нодавлат телерадиостанциялар раҳбарлари ва ходимлари иштирок этди. Очиқ мулоқотлар жараёнида бугунги кунда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг ривожланиш жараёни ҳамда нодавлат телерадиостанциялар фаолиятининг келгусидаги устувор йўналишлари хусусида батафсил сўз юритилди. Бундан ташқари, ҳар бир телерадиостанция, шу қаторда Ўзбекистон нодавлат телекомпаниялар телетармоғи, нодавлат радиостанциялар тармоғи ва Ахборот Маркази ҳамда Ёшлар студияларининг фаолияти натижалари, келажакдаги режалари тўғрисида фикр билдирилди.

— Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси бугун бутун жамоатчиликнинг диққат марказида турибди, — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раҳбари Шерзод Ғуломов. — Жумладан, унда таклиф этилган етти муҳим ҳужжат — тўртта янги қонун, иккита амалдаги қонунга ўзгартиш киритиш ва битта Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши бошқа соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ривожланишида муҳим омил бўлади.

Анжуман иштирокчилари электрон ОАВ эркинлиги ва мустақиллигини, моддий техник ва кадрлар базасини янада мустаҳкамлаш, тайёрланаётган медиамаҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат электрон ОАВнинг ўрни ва ролини юксалтиришга қаратилган масалаларни қизғин муҳокама қилишди. Шунингдек, ҳудудий телерадиостанциялар ижодий ва техник ходимларининг касб-маҳорати ва малака даражасини ошириш мақсадида ўқув семинарлари, тренинглар ўтказилди.

— Биринчи нодавлат телестанция 1991 йилда ташкил этилган эди, — дейди Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Фирдавс Абдухолиқов. — 2010 йилга келиб улар 101 тага етди. Шундан 30 таси телестанция, 30 таси радиостанция ва 41 таси «Ўзбекистон кабель телевидениеси» таркибидаги кабель телевидениелари ҳисобланади. Буларнинг барчаси давлатимиз ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги, бир қатор ҳамкорларимизнинг бизга кўрсатаётган амалий кўмаги самарасидир.

Медиа форум якунида бир қанча ҳудудий телерадиостанциялар вакилларига замонавий техника воситалари топширилди. Шунингдек, парламент аъзолари, давлат ва нодавлат ташкилотлар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида кенг муҳокама қилинган масалалар, ўртага ташланган долзарб таклифларни ўз ичига олган ЎзЭОАВМАнинг 2011 йилга мўлжалланган ривожланиш дастури тасдиқланди. Тўрт бўлимдан иборат мазкур дастурдан давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепцияда белгиланган қонун лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида фаол қатнашиш, мамлакатнинг ривожланиш жараёни ва амалга оширилаётган ислоҳотларни янги формат-даги ахборот-таҳлилий дастурлар орқали кенг ёритиш, ёш журналистларнинг малакасини ошириш, ҳудудий нодавлат телерадиостанцияларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, рақамли телевидениени ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш каби муҳим масалалар ўрин олган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз

Таассурот

КЎНГИЛ ИЗҲОРИ

Ёзиш жараёнида қалбни «шувуллатади»ган сўзни топиш ва илғаш учун илҳом керак бўлади. Гоҳо биргина жумла қанча машаққатли лаҳзалар ва ою кунларнинг заҳматлари замирида етилади, гоҳида эса кутилмаганда келади. Айтайлик, сўз шиддатидан ярим тунда уйғониб кетасиз. Бу бедорликнинг маҳсули оламга маънавий ифорлар таратади.

Яқинда «Ozbekiston» нашриёти томонидан чоп этилган публицист Ашурали Жўраевнинг «Майсалар уйғонган тонг» деб номланган янги китобини ўқиб, бунга яна бир бор амин бўлдим. Ундан ўрин олган мақолалар, эссе ва очерклар бўлғуси журналистлар учун ўзига хос ижод ва маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади. Чунки ўқув жараёнида ушбу тўпламдан амалий қўлланма сифатида бемалол фойдаланса бўлади. Айниқса, бедор қалб соҳибининг бадиалари ва инсон маънавияти ҳақида сўз юритилган қизиқарли суҳбатларини ўқиш жуда марокли. Масалан, «Меҳринг қани, меҳрибоним?» мақоласидаги «Меҳрингизни дариғ тутманг, одамлар. Олам ўзгараётганда, одам ўзгараётганда бир-бирингизга меҳрли, меҳрибон бўлинг. Ҳар қандай қувонч ва ютуқлар, тўй-байрамлар ҳам меҳр билан тотли, меҳр билан боқий. Бизни ҳар қандай синов ва изтиробли лаҳзалардан фақат меҳр қутқаради, меҳрибонлик асрайди», деган сўзларини ўқиб, муаллифнинг меҳр борасида сўз юритиши бежиз эмаслигини англайсиз.

Тўпламдаги «Болалар дунёси» туркумида, асосан, ёш авлод тарбияси, улар дунёқарашидаги ўзгаришлар ҳаётий мисоллар ва воқеалар орқали кўрсатиб берилган. Умуман, муаллиф ҳозиржавоб публицист сифатида бугунги ҳаётимизга, турмушимизга тааллуқли бўлган долзарб мавзуларда бирдай қалам тебратади. Унинг адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов ижодига бағишланган «Юрак нидоси» бадиаси, «Баҳор нафаси» этюди, севимли санъаткоримиз Отажон Худойшукуров ҳақидаги «Излар ҳофиз ноласин», «Юракларга чизилган қўшиқ» бадиалари ўзига хос хислатларни намоён этади.

* * *

Қуйида муаллифнинг «қалам тегмаган» ижод намуналаридан ўқийсиз.

Саёз асарлар улкан иморат деворларига қўйилган мўрт ғиштларга ўхшайди.

* * *

Таниқли адиблардан бири газетада ишлаган кезларимда ушбу фикрни кўп такрорлар эди: «Газета тандир! Сен оловнинг қаршисида турганингни унутма!».

* * *

Баъзи матбуот нашрлари тишсиз қарияга ўхшаб қолди.

* * *

Ижодкорни элга қалам танитади. Унинг обру-эътибори, мансаби, мукофоти ҳам қалам. Худо ҳеч вақт қаламдан айирмасин.

* * *

Ёлғон бозорда туғилади. Ишонмасангиз бозорга боринг...

* * *

Сени ҳамиша эркалатган ҳаёт — зерикарлидир.

* * *

Шарҳловчининг фикри жағида бўлади.
Ишончсизликдан гумон пайдо бўлади.
Гумондан — хато. Хатони тузатгунча умр ўтиб кетади.

* * *

Хотин мудом орзу қилади. Эр ана шу орзуларни амалга ошираман, деб умрини ўтказади.

* * *

Оёғим кўчада қолган эмас. Қарзимни қачон берасан?..

* * *

Ҳамсоя айтган хабарда ҳақиқат бўлади.

Адиба УМИРОВА тайёрлади

Мулоҳаза

РЕКЛАМА — ТУЙҒУ ВА ИСТАКЛАР УЙҒУНЛАШУВИ

1957 йили АҚШнинг Нью-Жерси штатида қизиқ воқеа содир бўлган эди. Америкалик машҳур олим Жеймс Вайкери қатор кинотеатрларда фильмлар намойиши чоғида кадрлар орасига "Coca-cola" ичинг!", "Поп-корн" енг!" деб ёзилган кадрни ҳам қўшиб юборади. Бу тажриба қутилмаганда жуда яхши самара бериб, юқорида номлари келтирилган маҳсулотлар савдоси кескин кўпаяди...

Кейинчалик "Яширин реклама" дея ном олган бу усул рақобатнинг кучайиши, айни пайтда маҳсулот сифатига, унинг маънавий-ахлоқий, тиббий-гигиеник жиҳатларига жиддий эътибор қаратилиши натижасида ўз жозибасини йўқотди. Истеъмолчининг идрокига унинг ўзи англамаган ҳолда таъсир ўтказгани учун ҳозир кўплаб мамлакатларда яширин рекламалардан фойдаланилмайди. Жумладан, 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган "Реклама тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ республикамизда ҳам бу турдаги рекламалардан фойдаланиш тақиқланган.

Реклама инсонларда реклама қилинаётган объектга нисбатан қизиқишни кучайтириш мақсадида тайёрланади, намойиш этилади. Уни тайёрловчи зиммасида бир қатор вазифалар борки, бу ўз-ўзидан соҳада кескин рақобатни юзага келтиради. Рақобат-ку ўз йўлига, аммо ундан истеъмолчига қандай наф? Умуман, ҳозир ОАВ томонидан аксарият ҳолларда фақатгина даромад манбаи сифатида қаралаётган реклама ўзи нима, унинг учун аниқ бир талаб, мезон борми?

Бугунги кунда рекламани ўзига хос синтетик санъат тури, деб баҳолайдиганлар талайгина. Россиялик Ф.Панкратов деган мутахассиснинг фикрича, ўта профессионал ва бадиий жиҳатдан юқори савияда яратилган реклама мухлисларда гўзалликни ҳис этиш туйғусини шакллантиради, уларда яхши дидни тарбиялайди. Шунга мазмунан яқин қарашларни канадалик олим М.Маклюж тадқиқотларида ҳам кўриш мумкин: "Рекламанинг энг олий хусусияти шуки, у инсонларнинг ҳис-туйғуларини ва истакларини уйғунлаштиради". Демак, ҳақиқий реклама санъат, айни пайтда, инсон шуурида недир ўзгариш, юксалиш ясовчи, эстетик дидни сайқаллаштирувчи омил ҳамдир.

Тижорий рекламалар "кўп" ва "хўп" гапирилган, матбуотда мунтазам муҳокама қилиб туриладиган мавзу. Бироқ ижтимоий рекламачи? Фикримизча, ижтимоий реклама худди бадиий асар каби бирор жиддий ҳаётий воқеликни концепция атрофига тўплаган, тугун ва ечимига эга тугал асар бўлиши керак. Энди кун-кунора теле, радио, матбуот ёки турли баннерлар орқали дуч келадиганимиз — ижтимоий рекламаларни ёдга олайлик: ичманг, чекманг, адашманг, алданманг, хуллас, насиҳатлар. Қисқаси, ижтимоий реклама дея тақдим қилинаётган материалларнинг аксарияти талабга тўла жавоб бера олмайди.

— Табиат тасвирига мусиқани уйғунлаштириб ролик тайёрлаш бу — ижтимоий реклама ҳисобланмайди, — дейди ижтимоий рекламалар бўйича изланиш олиб бораётган тадқиқотчи, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети ўқитувчиси Фазлиддин Миробидов. — Турли панд-насиҳатлар, хитоб ва чорловлардангина иборат ижтимоий рекламалар эса кутилган самарани бермайди. Чунки уларнинг инсон онги-шуурига таъсири кучли эмас. Аксинча, психологларнинг эътироф этишларича, очиқ даъватлардан кўра ижодий изланишлар маҳсули — гўзал шакл ва таъсирчан воситалар инсон туйғуларини жонлантира олади, жунбушга келтиради. Аввало, рекламаларнинг асл моҳиятини, талабларини яхшилаб ўрганиб, сўнг бу ишга қўл урилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Инглиз ёзувчиси Норман Дуглас: "Реклама характерида миллий идеаллар ўз аксини топади" дейди. Чиндан ҳам рекламаларда, айниқса, ижтимоий рекламаларда миллий хусусият ярқ этиб кўзга ташланиб турса, бу бошқа миллат вакилларида ҳам ижобий таассурот қолдиради. Масалан, японларнинг изланувчанлиги, хитойликларнинг ҳаракатчанлиги, немисларнинг тартиб-интизомлилиги, ирландларнинг қатъиятлилиги уларнинг ижтимоий рекламаларида яққол акс эттирилган. Нафақат ижтимоий рекламаларида, балки тижорий рекламаларига ҳам маҳорат билан сингдириб юборилган.



Албатта, миллийлигимиз бошда дўппи, эгнида атлас кийиш билан ифодаланиши яхши. Бироқ бугунги давр шуни тақозо қиладики, миллатимизнинг, халқимизнинг ватанпарварлик, бағрикенглик, меҳмондўстлик, тўғрисўзлик каби ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бера оладиган ижтимоий рекламалар зарур.

Кўпгина мамлакатларда ижтимоий реклама тайёрловчилар ўртасида турли танловлар ташкил этилади. Ўзбекистонда ҳам ижтимоий телерадио роликлар тайёрловчилар иштирокида бир неча марта фестиваллар ўтказилди. Бундай фестиваллар ўтказилишга ўтказиляпти-ю, бироқ уларда қатнашаётган теле ва радио роликларнинг ОАВда узатилиб борилиши сустроқдай. Бундан ташқари, ижтимоий рекламалар дегани фақат теле ва радио роликлар дегани эмас-ку. Матбуот нашрлари, интернет журналистикаси ҳам бу танловга жалб қилинса, фойдадан холи бўлмасди. Ўшанда ўзаро соғлом рақобат муҳити юзага келган, ижтимоий рекламалар савияси янада яхшиланиб, салмоғи ортган бўлармиди?..

Яна бир мисол — мутахассисларни тайёрлаш ишига жиддий эътибор қаратиш, бу жараёнга соҳани мукаммал биладиган педагогларни жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Боз устига, дунё тажрибасининг миллий маданиятимизга тўғри келадиган жиҳатларидан андоза олинса, реклама ижодкорлигига рағбат кўрсатилса, бу соҳада дастлабки қадам қўйилган бўларди. Қолаверса, ҳамюртларимизнинг дидига мос, қайта-қайта намойиш қилинса ҳам жонга тегмайдиган миллий ижтимоий рекламалар яратилиши тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига ўзига хос туртки бўлади. Сирасини айтганда, ижтимоий реклама коэффициенти қанча одамнинг кўзи тушиши билан эмас, нечта одамнинг қалбидан жой топа олишида кўринади...

Фозил ЖАББОРОВ, "Hurriyat" мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

БЕКОР ҚИЛИНГАНИ ЙЎҚ

“Росқишлоқхўжалик-назорат” шу ой бошида Германиядан келаётган чўчқа ва парранда гўштини мамлакатга киритишни тақиқлагани тўғрисида аввал хабар берган эдик. Бунга Германиядаги фермаларда чўчқа ва паррандалар диоксин қўшилган модда билан озиқлантирилгани сабаб бўлгани айтилганди.

Яқинда матбуотда ўша тақиқ бекор қилингани тўғрисида хабарлар пайдо бўлди. РИА “Новости” мухбирининг таъкидлашича, бу хабарлар нотўғри. Германиядан гўшт келтиришни тақиқлаш тўғрисидаги қарор ўз кучида турибди. Бу ҳақда Россия бош санитар врачи Николай Власов ҳам таъкидлаб ўтган. Унинг айтишича, фақат Германия давлат ветеринария хизмати томонидан текширилган ва таркибида диоксин бўлмаган гўштларни мамлакат ҳудудига олиб кирилишига рухсат берилади.

ТАНКЕР ПОРТЛАШИ МУМКИН

Рейн дарёсида ағдарилиб кетган «Вальдхоф» танкери портлаб кетиши мумкин. Чунки унинг бортида 2400 тонна олтингугурт кислотаси бор. Мутахассисларнинг таъкидлашича, танкер ичи текшириб кўрилганда, олтингугурт кислотасининг намга аралашиб водород ажралиб чиқа бошлагани аниқланган.

FOCUS тарқатган хабарда айтилишича, идиш ичида сақланиб қолган водород жуда тез портлаши мумкин. Танкерни бирор жойга судраб бориш, ҳатто жойидан қўзғатиш ҳам хавфли. Кеча денгизчилар водородни сиқиб чиқариш учун танкер ичига азот юбора бошлади. Азот водородни сиқиб қўяди ва портлашнинг олдини олади.

Ҳозирча танкер атрофи ўраб олинган. Рейннинг икки қирғоғидаги автомобиллар ҳаракати тўхтатилган. Дарё транспорти ҳаракати ҳам тўхтатилиш арафасида.

Эслатиб ўтамиз, «Вальдхоф» танкери 13 январь куни ағдарилиб кетган, экипаж аъзоларидан икки киши бедарак йўқолганди. Орадан шунча кун ўтган бўлса ҳам ҳалокат сабаблари номаълумлигича қолмоқда.

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ ТАШВИШДА



Халқаро меҳнат ташкилоти тарқатган расмий хабарга кўра, 2010 йилда дунё бўйича ишсиз одамлар сони 205 миллион нафарни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2007 йилга нисбатан 27,6 миллионтага кўпдир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, жаҳон молиявий инқирози туфайли шундай ҳолат кузатилган.

Ишсизлар сони асосан ривожланган мамлакатларда кўпайган. Шу билан бирга, Бразилия, Шри-Ланка, Таиланд, Уругвай каби мамлакатларда бунинг акси кузатилган.

Халқаро меҳнат ташкилоти хабарида билдирилишича, ёшлар ўртасида ишсизлик ҳам тобора ортиб бораяпти. Масалан, ўтган йили 78 миллион ёш ишсизлар рўйхатида қайд этилган. Ваҳоланки, бундан уч йил муқаддам уларнинг сони 4,5 миллионтага кам эди.

КЕМА ГАРОВГА ОЛИНДИ

Арабистон денгизида сомалилик қароқчилар Россия, Украина, Польша ва Филиппин давлатларининг 12 нафар фуқароси бошқариб бораётган MV Beluga Nomination юк кемасини гаровга олган. Бу ҳақда Украина ташқи ишлар вазирлигидан олинган маълумотга асосланиб, РИА «Новости» хабар тарқатди.

Кемада Германиянинг “Beluga Fleet Management GmbH” компаниясининг юклари бор эди. Қароқчилар ҳозирча бирор талаб билан чиққанича йўқ.

Шарҳ

Аримаган хавотирлар

Дунё иқтисодиёти инқироздан чиқдими, агар аҳвол ўнгланмаган бўлса, яна қандай таҳдидлар хавф солмоқда, ривожланаётган давлатларнинг тангликдан чиқиш борасида ўрни қандай бўлади? Шу ва бошқа саволлар 26 январь куни Швейцариянинг Давос шаҳрида очилган 41-жаҳон иқтисодий форумининг бош мавзуси бўлди.



Анжуман қатнашчилари эътироф этаётганларидек, иқтисодий бўҳрон ортда қолгани тўғрисидаги фаразлар шунчаки «хом хаёл». Негаки, ҳалиҳануз унинг дунё хавфсизлиги ва барқарорлигига солаётган ташвиши камайгани йўқ.

Тўғри, бугун АҚШ ва Европанинг айрим давлатларида 2-2,5 фоиз атрофида иқтисодий ўсиш қўзатиляпти. Аммо Нью-Йорк университети профессори Нуэл Рубини таъкидлаётганидек, бугун Европанинг ягона пул бирлиги — евро атрофида содир бўлаётган воқеалар глобал иқтисодиётга нисбатан тахдидлар ҳали аримаганини яққол намойиш этмоқда. Бундан ташқари, форум иштирокчиларини озиқ-овқат нархларининг кескин равишда ошиб кетаётгани ёки жиддий геосиёсий зиддиятлар, айниқса, Исроил ва Эрон, Шимолий ва Жанубий Корея ўртасидаги келишмовчиликларнинг кучайиб бораётгани, Яқин Шарқ ва Африканинг бир қатор давлатларидаги тартибсизликлар ҳам жиддий хавотирга солаётгани аниқ.

— Ғарб иқтисодиётидаги секинлашув ва ривожланаётган бозорларнинг тобора ўсиб бориши — бу кучлар балансининг тўлиқ ўзгаришидир, — дейди анжуманда иштирок этаётган Ҳиндистоннинг Wipro компанияси директорлар кенгашининг раиси Азим Премжи. — Яна 10 йилдан кейин ривожланаётган давлатларнинг иқтисодиёти АҚШ иқтисодиёти ҳажми билан тенглашади ёки ошиб кетади.

Муҳокамаларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши бўйича олдинги ўринларда бораётган Хитойга ҳам алоҳида ўрин ажратилаётганини таъкидламоқ жоиз.

Маълумки, 2010 йилнинг иккинчи чорагида Япония иқтисодиётининг қиймати 1,28 триллион АҚШ долларини ташкил этгани ҳақидаги хабарлар дунё иқтисодиёти «яловбардор»лари рўйхатига ўзгартириш киритди. Бир сўз билан айтганда, чин юрти кунчиқар мамлакатни қувиб ўтди. Бу эса ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,33 триллион долларга тенглашган Хитой АҚШдан кейинги энг йирик иқтисодий давлатга айланганини англатади.

Экспертлар бу муваффақиятни мушакнинг тез ёниб ўчадиган ёғдусига эмас, балки порлоқ юлдузга қиёсламоқдалар. XX асрнинг 70-йиллари охирида бозор иқтисодиётига оид ислоҳотларни бошлаган қолоқ мамлакат бугун дунёнинг иқтисодиёти гуркираб ўсаётган кучли беш давлати қаторидан жой олди. Ривожланган давлатлар моддий ишлаб чиқариш тармоғини учинчи дунё мамлакатларига кўчираётган айни пайтда Хитой ўзининг арзон ишчи кучи эвазига реал иқтисодий ва аграр секторни яратишга муваффақ бўлган камсонли мамлакатлардан бири бўлиб қолмоқда. Натижада мамлакат «жаҳон фабрикаси» номини олди. Ривожланган давлатлар қўрқмасдан сармоялари ва ишлаб чиқариш технологияларини ушбу мамлакатга кўчира бошладилар. Рақамларга эътибор беринг: Хитой 1990 йилда 10,5 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги хорижий сармояни ўзлаштирган бўлса, 2005 йилда бу рақам 68 миллиард долларга етди. Шубҳасиз, шу туфайли чин юрти бирин-кетин Германия, Франция, Англия ва Японияни қувиб ўтди. Кўплаб мутахассисларнинг эътироф этишича, 2030 йилга бориб Хитой АҚШни ҳам ортда қолдиради.

Тан олиш керак: расмий Пекин борган сари Осиё, Африка ва Лотин Америкаси бозорларига илдам кириб бориб, халқаро саҳнадаги ўрнини янада мустаҳкамлаяпти. Бироқ ўз тараққиёти йўлида жиддий тўсиқ ва синовларга ҳам дуч келаётир. Мамлакат иқтисодиётининг экспорт ва сармояларга ўта боғлиқлиги хавотир уйғотмай қолмайди. Айни пайтда Пекиннинг кўпгина танқидларга дучор бўлаётган валюта сиёсатига тўхталмасликнинг иложи йўқ. АҚШ, Европа Иттифоқи ва бошқа қатор давлатлар Хитойни ўз экспортини фаоллаштириш мақсадида юань курсини суньий равишда пасайтиришда айблаб келмоқдалар. Албатта, бу чора Хитой ташқи савдо сальдоси учун ижобий натижалар келтирар, аммо шерик, ҳамкор давлатларда тақчилликка сабаб бўлади. Ўз шаънига ёғилаётган бу айбловларни рад этар экан, Хитой ҳукумати валютага оид янги ислоҳотларни ўтказишга сўз бермоқда. Бироқ ислоҳотлар моҳияти ва унинг қачон бошланиши ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмайди.

Айни танқидлар соясида Хитой АҚШ ва Европа билан бир томондан, хомашё бозори учун аёвсиз курашни давом эттираётган бўлса, иккинчи томондан, йирик корпорациялар ва технологик фирмаларга «катта имкониятлар»ни ваъда қилган ҳолда, уларни ўзининг ички бозорига сафарбар қилишга муяссар бўлаётир. Аммо глобал муаммолар кескин тус олаётган, ижтимоий сиёсат масаласи инсоният тақдирида муҳим роль ўйнаётган бир пайтда мавжуд ютуқларни сақлаб қолиш ва изчил давом эттириш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермаяпти, албатта. Хусусан, БМТ маълумотларига қараганда, бугун дунёнинг 54 мамлакатида аҳоли 1990 йилга нисбатан камбағаллашган, 21 мамлакат аҳолисининг кўпчилиги очликдан азият чекмоқда, 34 мамлакатда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси пасайган, 100 миллион бола эса мактабга қатнашдан маҳрум. Ачинарлиси, камбағал давлатларнинг 25 таси Африкада жойлашган. Қитъа аҳолисининг тахминан ярми қашшоқликда кун кечирмоқда. Бунга эса юқорида таъкидланганидек, кўпроқ ички зиддиятлар, ҳокимият талашишлар сабаб бўлмоқда.

Абдували СОИБНАЗАРОВ

Европа Иттифоқи ҳарбий денгиз флоти кучлари вакилининг айтишича, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, қароқчилар 28 та кема ва 654 нафар денгизчини гаровда ушлаб туришибди.



СУВ ТОШҚИНИ ТУФАЙЛИ

«Associated Press» ахборот агентлигининг тарқатган хабарига кўра, Австралиянинг Квинсленд штатида аҳоли эвакуация қилинмоқда. Сабаби мамлакатнинг бу ҳудудига янги сув тошқини хавф солмоқда.

Маълум бўлишича, соатига 250 километр тезлик билан ҳаракатланаётган «Яси» циклони бугун Австралия қирғоқларига етиб келиши ва бунинг натижасида дастлабки бир сутка давомида катта миқдорда ёғингарчилик бўлиши мумкин. Табиийки, бу Квинслед штатида сув тошқинларини келтириб чиқаради.

Хабарингиз бўлса, Автралияда сув тошқинлари ўтган йилнинг ноябрь ойида бошланган эди. Ҳозиргача руй берган табиий офатлар натижасида 35 га яқин киши ҳаётдан кўз юмди, 30 мингдан ортиқ уй-жойлар харобага айланди. Жами етказилган зарар миқдори эса 20 миллиард АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда.

1,6 ТОННА КОКАИН ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Панама полицияси томонидан 1,6 тонна кокаин гиёҳвандлик моддаси йўқ қилинди. Оммавий ахборот воситаларида айтилаётган хабарларга қараганда, 66 та целлофан халтага махсус жойлаштирилган гиёҳвандлик моддаси мамлакатнинг Колон провинциясида жойлашган махфий жойдан топилган.

Мамлакат полицияси анча вақтдан буён ушбу катта миқдордаги гиёҳвандлик моддасини олиб ўтувчилар изидан тушганди. Пухта ўйлаб амалга оширилган амалиёт натижасида икки киши қўлга олинган. Маълум бўлишича, улар 1,6 тонна кокаин моддасини қўриқлаш билан машғул бўлишган.

ЭНГ КАССАБОП ФИЛЬМЛАР

Ўтган йили Россия ва МДҲ давлатларида энг кассабоп фильмлар деб топилган кино асарлари руйхати эълон қилинди. Унга кўра, 117,1 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ тўплаган «Аватар» фильми биринчи ўринга лойиқ кўрилди.

«Шрек навсегда» («Ўзгармас Шрек») кинофильми — 51,4 миллион доллар билан, «Алиса в стране чудес» («Алиса мўъжизалар мамлакатида») фильми эса 42,1 миллион доллар жамғаришга муваффақ бўлган ва руйхатнинг кейинги ўринларидан жой олган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Кузатув

ТЕХНИКА — ИНСОННИНГ ДЎСТИ...МИ?

Ўтаётган ҳар сония замонни ўз измига солишга уринмоқда. Олимлар гўё замон ва макон бирлиги орасида ўз иқтидорини синаётгандек. Компьютер, интернет, мобиль телефон каби алоқа воситалари эса фантехника тараққиётининг оммабоп маҳсули сифатида турмуш тарзимиздан мустаҳкам ўрин олган.

XX асрнинг ўрталарига келиб оталаримиз «Техника — инсоннинг дўсти», дея қувонишган эди. Бугун ана шу «дўст» ҳатто оралиқ масофаларни писанд этмай зумда энг яқин кўмакчимизга айланганини, ишимизни қўлимиздан олганини, ҳатто бизни муҳофаза қилаётганини тараққиёт имконияти, деб қабул қилишга кўникиб қолдик. Фарзандларимизнинг тақдирини ҳозирдан ўйламаслик анчайин ташвиш келтириши мумкин.

Бугун кўча-кўйда бошини сарак-сарак қилиб бораётган йигит-қизларни ҳар қадамда учратасиз. Рўпарангизга келади-ю, сизни кўрмайди. Гапирсангиз, эшитмайди. Чунки уларнинг бутун ўй-хаёли қулоғига ўрнатилган жимитдеккина карнайчалардан тараладиган суронли мусиқа-ю олақуроқ қўшиқларда... Балки, бу бир ўткинчи қизиқиш, шунга шунча ваҳимами, дегувчилар ҳам топилар. Кошки эди бу — бир ёки икки йилнинг муаммоси бўлса.

Ана шундай ҳаёт тарзини ихтиёр этган айрим ёшлар овқат емаса, емайди, аммо қўл телефонининг қарзини тўлашга маблағ топади. Сиз бу ёқдан насиҳат қилаверасиз, у бошини лиқиллатаверади. Алоқа тизимидаги турли компанияларнинг бири олиб, бири қўйиб реклама қилаётган “арзонлаштирилган” тунги мулоқотларига нима дейсиз? Кечаси билан арзон мулоқот соатларидан фойдаланиб чиққан одамнинг эртанги машғулотида барака бўладими? Жисмонан толиққан вужуд, мусиқа таъсирида тентираган руҳ талафоти эртага қимматга тушмасмикан?

«Боланг одобсиз бўлса, тарбиялаб ол, компанияларни нега айблайсан», дерсиз. Аммо бахтга қарши, бу фақат менинг муаммоим эмас. Ҳозир ҳар ўн боланинг саккизтаси замонавий техниканинг бу каби имкониятларидан «унумли» фойдаланади. Уяли телефонларнинг саломатликка таъсири тўғрисида мутахассислар иштирокида такрор-такрор телекўрсатувлар эфирга узатилди. Тўғри, ҳозирча натижа йўқ. Аммо фарзандларимиз ўз камчиликларини англаб етгунича турли шакл ва кўринишларда биз, ота-оналар ҳам насиҳатларимизни канда қилмай давом эттиришимиз керак.

18 ёшга тўлмаган йигит-қизларга қўл телефони сотишни ҳам, бу воситалардан мустақил фойдаланишни ҳам тақиқлаш керакдир, балки. Хуллас, мобиль телефонларнинг қулоқ орқали мияга берадиган салбий таъсири, уйқусизлик оқибатида келиб чиқадиган касалликлар, яна биз эътиборсиз бўладиган бошқа жиҳатлари ҳақида соҳа ходимлари оммавий ахборот воситалари орқали ўз маслаҳатлари билан тез-тез чиқишлар қилишса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Биз жигарбандларимиз бошқалар яратган ихтиро ва кашфиётларнинг истеъмолчиси эмас, балки жаҳон цивилизациясига муносиб улуш қўша оладиган даражада заковатли авлодлар бўлиб етишишини истаймиз. Бугун юртимизда ёш авлод камолоти йўлида қилинаётган барча саъй-ҳаракатлар, олиб борилаётган кенг кўламли амалий ишлардан кўзланган мақсад ҳам аслида шу. Шундай экан, фарзандларимизнинг ботинидаги иқтидорларини юзага чиқаришдан чалғитаётган бу омиллардан ўринли фойдаланишларини уларга ўз вақтида англатмоғимиз лозим.

Қаноат ТИЛЛАХЎЖАЕВА, журналист

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
«ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати
ПОЧТА АЛОҚАСИ
хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

Ислоҳотлар инсон манфаатига хизмат қилмоқда

ЛАҲЗАДА ҲАЁТ ҚАДРИ

"Мен учун ҳаёт қадрли, унда яшамоқлик мўъжиза. Аммо бу туҳфа менга тўла-тўкис берилмаганди.

Болалигимда туғма юрак касаллиги ҳақида у қадар тасаввурга эга эмасдим. Йиллар ўтган сари бу хасталикдан ҳам жисмонан, ҳам руҳан азият чека бошладим. Эсимда, 12 ёшимда отам мени шифокорга олиб борганида роса қувонганман. Шифокорнинг гап оҳангидан операция қилиш зарурлигини, бироқ буткул соғайишимга умид катта эмаслигини сездим. Шу сабаб бўлдими, қайта шифокорга учрамадик. Мактабни тамомладим, талаба бўлдим. Гарчи ўзимни бепарво тутишга ҳаракат қилсам-да, юрагим яна тез-тез хуруж қила бошлади. 24 ёшимда яна шифокорга учраштим. Ундан операция қилиш учун вақт ўтганини эшитганим заҳоти бу ёруғ олам мен учун буткул зимистонга айланди...

Ҳилола
Тошкент шаҳри."



Одамнинг юраги муштдек бўлади, кафтга сиғади, дейишади. Лекин ана шу муштдеккина юракнинг "юки" жуда оғир, жуда залворли. Негаки, сизу бизнинг туғилганимиздан токи ҳаётимизнинг сўнгги кунларига қадар бехато ва бир маромда тинимсиз "дук-дук" уриб, садоқат билан хизмат қиладиган юрак — тананинг энг нозик, энг мураккаб, энг жумбоқли аъзоси ҳисобланади. Бу, айниқса, у парваришга, тиббий муолажага муҳтож бўлиб қолганда кўпроқ сезилади.

Эътироф этиш керак, бугунги замонавий тиббиёт қўпгина мўъжизаларга қодир. Шу жумладан бизнинг тиббиёт ҳам. Бунга мамлакатимизда биргина юрак хирургияси соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида эришилаётир, десак асло муболаға бўлмайди. 35 йилдан буён фаолият юритиб келаётган Тошкентдаги Академик В.Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган илмий жарроҳлик маркази хирургия мактабининг етакчиси ҳисобланади. Марказнинг туғма юрак хирургияси бўлими фаолияти эса бунга ёрқин мисолдир.

— Эришилган ютуқлар олиб борилган саъй-ҳаракатлар меваси-дир, — дейди ушбу марказ бўлим мудири, тиббиёт фанлари доктори Ҳакимжон Абролов. — Мустақиллик йилларида бизга берилган кенг имконият ва қулай шарт-шароитлар туфайли юрак хасталигини даволашнинг янги усуллари амалиётга жорий этилди. Масалан, тетрадо фалло ташҳиси қўйилган беморларда ўнг қоринчанинг чиқиш қисми реконструкциясида моностворка, яъни ривожланмаган клапанларнинг ўрнига бир тавақали клапан яратилди. Соҳадаги ижобий ўзгаришлардан яна бири — марказ қошида янги бино барпо этиляпти. Тўрт қаватдан иборат ушбу бино фақат юрак касалликларини хирургик даволашга мўлжалланган бўлиб, у ерда чақалоқлардан тортиб 70-80 ёшдаги кекса беморларгача даволаш имконияти бўлади. Шунингдек, энг сўнгги диагностик асбоб-ускуналар, юқори технологик операцияларда қўлланиладиган сунъий нафас олдириш аппаратлари ва юрак етишмовчилик белгилари ривожланган вақтда ишлатиладиган сунъий чап қоринча аппаратлари қўлланилиши кўзда тутилмоқда. Бу беморларни самарали даволашда жуда қўл келади. Қолаверса, даволаш ва диагностиканинг илғор усулларини ўргатиш мақсадида чет эллардаги турдош тиббиёт муассасаларида ёш мутахассисларнинг малака ошириши ҳам режалаштирилган.

Шу ўринда суҳбатдошимиз Италиянинг Бергамо шаҳридаги "Ospedali Ruiniti di Bergamo" клиникаси билан илмий-амалий ҳамкорлик хусусида фикр билдирар экан, келажакда бундай ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳар иккала томон учун ҳам фойдали эканлигини таъкидлади.

* * *

Бизнинг изоҳ: бўлим охирги 3-5 йил мобайнида юрак туғма нуқсонлари бўлими, орттирилган туғма нуқсонлар хирургияси бўлими, юрак ишемик касалликлари, яъни коронар хирургия бўлими сифатида алоҳида-алоҳида фаолият кўрсатмоқда. Юрак туғма нуқсонлари бўлимида яқинда иш бошлаган Мурод Аҳмедов, Умид Муродов, Азиз Мирсаидов, Омон Алимовлар анча тажрибага эга бўлиб қолишди. Тиббиёт ҳамширалари — Гўзал Мадалимова, Мушарраф Мирзаева, Муҳаббат Шорасулова, Гулмира Дониёровалар малакаси, ширинсуханлиги билан беморлар ўртасида ҳурмат қозонган. Педиатр-кардиолог Турсунали Исмоилов самимийлиги, ҳар бир бемор билан эринмасдан суҳбатлашиши, касаллик тарихини синчиклаб ўрганиши, боладек беғуборлиги билан жамоада ўз ўрнига эга.

Бўлимда фаолият жараёнида янги даволаш усулларини яратиш устида ҳам иш олиб борилади. Жумладан, мураккаб туғма юрак нуқсонини даволаш учун мультиспираль компьютер томографияси диагностика усули биринчи марта қўлланилди. Бунда юракнинг аномалияларида аниқ вақт мобайнида қандай иш олиб борилаётгани кўринади. Мураккаб туғма юрак нуқсонининг қандай ўзгаришга учрагани аниқланиб, қайси хирургик усулни қўллаш мумкинлиги ойдинлашади. Ана шундай даволаш усули қўлланилган беморлар 4-5 йилдан буён кузатиб келинмоқда.

— Уларнинг умумий аҳволи яхши, қон айланиш етишмовчилиги белгилари йўқ, — давом этади суҳбатдошимиз. — Яхши томонга ўзгариш ва интилиш бор. Куч-ғайратга тўлган, аввалги ҳолатларидан асар ҳам қолмаган беморларни кўриб, қувонамиз. Масалан, бир бемор жуда гипоксик ҳолатда, яъни цианоз кўкаришлар билан, ҳатто икки қадам юролмайдиган даражада оғир аҳволда эди. Хавфлилик даражаси юқори бўлган операция муваффақиятли ўтди. Бир йилдан кейин ўша беморни танимай қолдик. Чунки у олдинги ҳолатидан бутунлай фориғ бўлган эди.

Касални, аввало, ширин сўз даволайди, деган гап бежизга айтилмаган. Суҳбатимиз жараёнида шифокорнинг ўз беморлари соғлиғидан хавотир олишидан, очиғи, қувондик. Чунки ўз касбига чин дилдан меҳр қўйган инсонгина бировнинг юрагини қалбан тушуна олади.

— Илк устозим — онам, болалар шифокори Озода Ниёзова бўлди, — дейди у. — Ёшлигимда бирор бемор ёрдам сўраб онамни чақириб кетса мен ҳам эргашиб борардим. Шу тариқа шифокорлик касбига ҳавас уйғонди. Ҳозирги Тошкент тиббиёт академиясида таҳсил олганман.

Амалиёт даврида операция хонасининг тепасидаги гумбазда талабалар операцияни кузатиш имкониятига эга эди. Операция пайтида кўкрак қафасининг, сўнг юрак пардасининг очилишига, юракнинг ишлашига гувоҳ бўлишнинг ўзи мўъжиза! Бу жараённи биринчи марта кўрганимда жуда ҳаяжонланиб: "Қани энди, мен ҳам беморларнинг юрагини ана шундай даволасам", деган фикр хаёлимдан кечган ва уни беихтиёр гуруҳдошларим олдида айтиб юборганман.

Очерк

Ўқишни тугатганимдан кейин институт илмий кенгаши томонидан мазкур хирургия марказига йўлланма берилди. Юрак жарроҳлиги бўйича биринчи устозим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Дарвин Ғуломов эди. Отадек ғамхўр, ҳар бир кўнгилга йўл топа оладиган, бағрикенг, хушфеъл, билимдон бу инсондан нафақат касб сирларини, балки инсонийлик сабоқларини ҳам ўргандим. Насиҳатлари ва маслаҳатларини ҳозиргача иш фаолиятимда қўллаб келаман. Тиббиёт, хусусан, хирургия йўналишига ўз ҳаётини бағишлаган устозларимнинг босиб ўтган йўллари ва ҳаёт фаолиятидан доим ибрат оламан.

* * *

Маълумот учун: институтни битириб, йўлланма асосида клиник ординатурани ўтагандан сўнг, 1997 йилда юрак туғма нуқсонлари хирургия бўлимига врач сифатида ишга қабул қилинган Ҳ.Абролов 2002-2004 йилларда Малайзиянинг Куала Лумпур шаҳрида, 2004-2005 йилларда Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида малака оширди. 2007 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади. Диссертация мавзуси юракнинг оғир туғма нуқсонларини босқичли хирургик даволашга бағишланган эди.

Номзодлик ишининг биринчи босқичида амалиёт чоғида қон оқишни бошқариш тизими ишлаб чиқилди. Яъни, ўпкада қон айланишини бошқаришга эътибор берилди ва ушбу йўналишда ўзига хос янгилик яратилди. Биринчи босқич операция билан иккинчи босқич операцияси ўртасидаги давр илгари 6,5 йилга тўғри келар эди. Янгилик амалиётга жорий этилгач, бу давр ўртача 21,5 кунга тўғри келди. Қон оқиши босқичи натижасида иккинчи босқич, яъни юрак порогини тўлиқ даволаш имкони туғилди.

Одатда ўпка ўмров ости анастомози биринчи босқич бўлиб, у беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш, аҳволини яхшилаш, яъни чуқур гипоксия ҳолатидан чиқариш ва иккинчи босқичга тайёргарлик сифатида қўлланилади. Илгари иккинчи босқични хирургик даволагандан кейин 17 фоизгача ўлим ҳолати кузатиларди. Янги усул натижасида мазкур кўрсаткич 5,7 фоизга тушди. Иккинчи босқич, яъни радикал коррекцияда ҳам худди шундай янги даволаш усули яратилди. Натижада операциядан кейинги ўлим кўрсаткичи 8,7 фоиздан 3,2 фоизга камайди. Бу рақамларнинг ўзиёқ илмий изланишлар аҳамияти нечоғли юқори эканини кўрсатади.

* * *

Италиялик ҳамкасблар билан ҳамкорлик натижасида бўлимда мураккаб турдаги пороклардан бири — Марфан синдроми билан оғриган беморлар учун Бенталл операцияси йўлга қўйилган. Марфан синдроми — аорта бошланғич қисмининг аневризмаси шарсимон ўзгариши бўлиб, шу қисмнинг ёрилишига олиб келади. У юракдан ҳам катта бўлиб кетади. Айни шу турда бугунгача 14 та операция ўтказилди. Бу мураккаб жарроҳлик амалиёти ҳозиргача Марказий Осиё давлатларидан фақат Ўзбекистонда амалга оширилган. Уч ёшдан кичик болалар ва чақалоқларда юрак туғма нуқсони диагностикаси ҳамда жарроҳлик амалиётини йўлга қўйиш келажакдаги режага киритилган. Чақалоқлардаги юрак туғма нуқсони жарроҳлиги юрак хирургиясининг энг чўққиси ҳисобланади. Ҳолбуки, жуда мурғак беморнинг юрагини анатомик коррекция қилиш ва уни тўлақонли юракка айлантириш жуда мураккаб жараён.

Фаолият жараёнида мураккаб операцияларнинг татбиқ этилиши, диагностиканинг яхшиланиши ва оптимал хирургиянинг танланиши — муваффақиятлар гарови. Юрак операциясида фақат хирургнинг эмас, балки анистозолог, перфюзолог, реанимация бўлими шифокорларининг ҳам ҳиссаси бениҳоя катта. Улар ҳар бир операцияда ва операциядан кейин юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатишади.

— Бемор операцияга қадар ўтказилган текширувларда қўйилган ташҳисдан бошқа ҳолатларга дуч келган тақдирда билим ва малака қўл келади, — изоҳ беради Ҳакимжон Абролов. — Сира иккиланмаслик керак. Агар инсон бутун вужуди билан сидқидилдан меҳр билан ишласа, кутилган натижага эришади. Операциядан кейинги юракнинг яхши ишлаши бутун операция мобайнида тик туриб ишлаган пайтдаги ҳорғинлик ва чарчоқнинг тенг ярмини чиқариб юборгандек бўлади. Ўшанда беморларнинг тирноқларида нимпушти қизилликни кўриб қувонаман. Чунки "дардни енгиб ўтдим" деб ишонч ҳосил қиласан киши. Ғалаба нашидаси, қувонч сурурини сўз билан ифодалаб беролмай қоласан. Том маънода буни қайта туғилиш, деб аташ мумкин. Қайта туғилиш жараёни билан юзма-юз бўлишнинг ўзи саодат!

Ҳаётда ҳар хил ҳолатлар бўлади. Гоҳо бемор юраги уришдан тўхтаб қолади. Ўша юракнинг ишлаб кетишини шу қадар истайсанки, ҳатто жону жаҳонингни беришга тайёр бўласан. Ҳар бир лаҳзада ҳаёт қадри борлигини ва у нақадар буюклигини янада чуқурроқ идрок этасан...

Аслида, бошқаларни билмадиму, шахсан ўзим туғма юрак нуқсонини табиатнинг топишмоғи, деб биламан. Ҳар гал операциядан кейин ҳаётга қайтган беморни кўрганда ўша топишмоқ жавобини топгандек бўламан. Ҳар бир беморнинг характери, феъли, руҳий ҳолати бир-биридан фарқ қилади. Туғма юрак нуқсонининг бошқа касалликлардан фарқи шундаки, унда ҳаракат чекланса-да, беморнинг дунёқараши етук бўлади. Қобилиятли, иқтидорли бўлади. Жарроҳлик амалиётидан сўнг бемор жисман соғлом бўлади. Ҳаётда ўз ўрнини топади. Яъни, дарддан, ногиронликдан бутунлай халос бўлади. Оила қуради, бола-чақа орттиради... Шунинг учун ҳам касбимни яхши кўраман. Ҳаёт мўъжизасини ҳис этишда ёрдамим тегаётгани мен учун чексиз бахт...

* * *

Ҳа, беморга малҳамдек ҳаёт бағишлаш, уларнинг умр сўқмоқларида дадил ва шижоат ила одимлаши учун шифокорларнинг машаққатли, аммо шарафли меҳнати муҳим аҳамият касб этади. Дарддан халос бўлиб, шифо топган беморларнинг юз-кўзида, сўзларида ҳам ана шу машаққатли меҳнатдан миннатдорлик туйғулари уфуриб туради:

Гавҳар ДУРМАМАТОВА,
23 ёш, Бухоро вилояти:

— Операция бўлганимга бир ярим йилдан ошди. Шифокорлар назоратидан ўтиб туришни канда қилмайман. Шукрки, аввалги касаллик белгиларидан нишон ҳам қолмади. Ҳунар эгалладим. Яқинда турмушга чиқдим. Энг муҳими, ҳаётда ўз ўрнимни, бахтимни топдим. Дардни енгиб ўтишимда мен билан елкама-елка турган, бугунги бахтли кунларга етишимга кўмак берган шифокорларга ҳар қанча миннатдорчилик билдирсам кам. Илоҳо, уларнинг қўллари дард кўрмасин.

* * *

Ўтаётган кун, отаётган тонг, ботаётган қуёш — умр мазмунининг энг гўзал тасвири. Уларга боқиб ҳаётни, яшаш фалсафасини англайсан, киши. Аслида, ҳаётнинг ҳар бир лаҳзаси гўзал, ҳар бир они ғанимат. Ҳар бир лаҳзада эса ҳаёт қадри мужассам. Оний лаҳзаларнинг қанчалар бебаҳо эканлигини ҳис этишда, умрнинг тотли дамларидан баҳраманд бўлишда, саломатлик, дея аталмиш бебаҳо бойликни асраб-авайлашда биз билан ҳамнафас бўлаётган, фидойилик кўрсатаётган оқ либосли шифокорлар, яхши инсонлар туфайли бу қадр янада ошади, соҳир туйғулар юракнинг туб-тубидан жўш ураверади. Шу ўринда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан халқимиз саломатлигини асраш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш йўлида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самараси айнан биз фаолиятини ҳикоя қилган тиббиёт соҳасида эришилган муваффақиятларда ўз ифодасини топаётганини алоҳида ҳурмат билан таъкидлашимиз лозим.

Дарвоқе, лавҳамиз аввалида Ҳилоланинг "дил дафтари"дан ўрин олган мисраларни келтирган эдик. Бу бежиз эмас. Ҳилола ўша пайтда "энди кеч", дейилганига қарамай 33 ёшида жарроҳлик амалиётига розилик берди. Қарангки, ҳаёт ҳайратларга, мўъжизаларга лиммо-лим экан. Унинг яшашга чанқоқ қалби, қолаверса, шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари билан операция муваффақиятли ўтди. Ҳилоланинг соғ-омонлигидан, яна тенгдошлари қаторида эканлигидан мамнун яқинларининг кўзларидаги миннатдорлик туйғуларини сўз билан ифодалаш мушкул. Яхшиларнинг кўмаги билан ҳозир у нуфузли ташкилотлардан бирида жамиятимиз, юртимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Бу энг катта бахт эмасми?

Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
"Hurriyat" мухбири

Табиат ва биз

Топтаганга тоғ чидамас...

Аслида халқ орасида бу ибора: "Ётиб еганга тоғ ҳам чидамас", деб юритилади. Ҳақиқатан тоғларимизда, қир-адирларимизда аҳвол қандай? Айрим одамларнинг табиат бойликлари — доривор ўсимликлардан табиблик ниқоби остида ўз билганларича — бетартиб фойдаланаётганларининг гувоҳи бўламиз. Дуч келсангиз улар қайси ўт қандай дардга даво бўлишини ўзларича эринмай тушунтирмоқчи бўлишади, шу йўл билан мижоз орттиришади. Нима бўлса-бўлсин, уларга қолса тоғ — талқон, доривор гиёҳларга қирғин келмайдими? Кундан-кунга мўмайроқ пул топсалар бас. Ишлари юришгани сари қиру адирлар, тоғу тошлардаги шундоқ ҳам ноёб дориворларни пишиб, уруғ тўкишига ҳам сабр қилмай қийратишга киришадилар.

Чин табиблар азал-азалдан халқ орасида яшаб, барчанинг хизматини қилган ва хурматини қозониш билан бир қаторда табиий бойликларни ҳам авайлаб-асраган. Уларнинг давомчилари ҳозир ҳам бор. Ундайлар ўз қадр-қимматларини яхши билган чинакам илм эгаларидир.

Ўттиз йиллар муқаддам тошкентлик бир одам бизни йўқлаб қишлоғимизга келган эди. Унинг яқинларидан кимдир оғир бетоб экан, Оқтош томонларда машҳур табиб борлигини эшитиб, уни топишга ёрдам берармикан, деган илинжда ташриф буюрибди.

Шунда дадамиз у кишининг жонига оро кириб, излаётган табиби Сойлиқ қишлоғида истиқомат қилишини, исми Шомирза ота эканини айтди-да, "Менинг номимдан салом айтинглар, биз у киши билан қадрдонмиз", деб қўйдилар. Меҳмонга йўл кўрсатиб, Шомирза отани излай-излай, Қорақия тоғлари этагидаги боғида меҳнат қилаётгани устига бориб қолдик. Қийиқча билан пешонасини танғиб олган ўрта бўй, қорамағиз, жиддий ва ўткир нигоҳли Шомирза отанинг биз билан гаплашгиси келмади. Дадамнинг саломини айтганимиздан сўнг табибнинг рухсори юмшаб, шинамгина боғига олиб кирди. Буларни ҳикоя қилишдан муддао шуки, Шомирза отанинг боғи бошдан-оёқ доривор ўсимликлару кўркам дарахтларга тўла эди. Ҳатто Кавказ томонлардан атайдан олиб келиб ўстирилган шифобахш бутасимон ўсимликларгача бор экан бу жойда. Ота-боболари таниқли табиб ўтган Шомирза ота ҳам ўз навбатида, кўркам боғию табобат оламидан ўзлаштирган барча сир-асрорларини ўғли Обиддинга мерос қилиб қолдириб кетди. Бу оилада доривор гиёҳларни асраб-авайлаш одат тусига кирганди.



Ҳозир кўчага чиқиб, таваккалига дуч келган одамдан сўрасангиз, икки кишидан биттаси табиблик даъвосини қилади. Кошки эди, улар Шомирза ота, сижжаклик номдор табиб Аҳмаджон Мираҳмедовларга ўхшаб ҳовлию томорқаларида, ҳатто уйининг хоналарида хилма-хил дориворлар ўстириб, беморларни даволасалар. Афсуски, чаламулла "табиб"лар эрта баҳордан то атрофни қор босгунга қадар далаю тоғларни аямай ғорат қилишади, дориворларни обдон қийратишади, сўнг билиб-билмай уларни беморларга тавсия этишади... Бунинг оқибатида юртимизнинг ноёб доривор гиёҳлари кескин сурьатда камайиб, турлари ҳам йўқолиши ҳеч гап эмас. Масалан, анча йиллар аввал ҳаммаёқни тутиб ётадиган исириқ, эрмон, марвартак, чойўт, бўзноч кабиларни эндиликда зўрға учратасиз, айримларини эса умуман топа олмайсиз.

Табиат муҳофазасидек ўта масъулиятли вазифани ўз зиммаларига олган айрим идоралар, уларда хизмат қилаётган юзлаб назоратчилар нима учун мана шу жиҳатларга эътибор қилмайдилар, деган фикр кишига тинчлик бермайди.

Бу ишларнинг келажакдаги хунук оқибатларини инобатга олиб атроф-муҳит муҳофазаси, айниқса, дориворлик даражаси Хитой гиёҳларидан қолишмайдиган ўсимликларнинг бутунлай нобуд қилинаётганига қарши бирор чора топилишига аминмиз.

Асад АСИЛ,
ёзувчи

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

Акс-садо

Тарозининг бир палласи

Газетанинг 19 январдаги сонида чоп этилган журналист Ҳусниддин Бердиевнинг "Жиноят кўчасидаги аёл" сарлавҳали мақоласи кишини мулоҳаза юритишга, жиддий мушоҳадага чорлайди. Зотан, таърифи достонларга жо бўлган, эр йигитларни мардлигу шижоатга ундаган, авлодлар бардавомлигини таъминлайдиган аёлнинг бугуни ва эртаси ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги табиий ҳол.

Отам одиллик, холислик ҳақида гапирганда доим: "Тарозининг икки палласини туташтириб турувчи тепа қисмида ниҳоятда нозик кичкина темирча — шайни бўлади. Агар эҳтиётсизлик оқибатида ана шу шайни бузилса, мувозанатга путур етади...", деб айтадилар. Ушбу ўхшатишни, таъбир жоиз бўлса, оилага, жамиятга, ҳаётдаги кўп жиҳатларга менгзаш мумкин. Чунончи, эркак ва аёл, ота-она ва фарзанд, устоз ва шогирд ўртасидаги муносабатларда тарозининг палларидек мувозанат тенглиги бўлса — айни муддао. Мабодо ушбу мутаносибликка дарз етса, номутаносиблик юзага келиши табиий.

Биргина оилада аёл ва эркакнинг ўрни, муомала муносабатларини олиб кўринг. Барча замон ва маконларда аёл қадри ва шаъни, унинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамиша баҳсталаб мавзу бўлиб келган. Лекин бир ҳақиқат аёнки, аёл қаерда, қачон, қандай вазиятда бўлишидан қатъи назар, ўз номига муносиб бўлиши, шаъни ва қадр-қимматини асраши, ҳаё ва латофати ила қўнгилларда ажиб туйғулар уйғота олишдек гўзал, бетакрор жозибани сақлаб қолиши жоиз.

Турмушнинг юки оғир. Уни тортиш учун оилада эркак қанчалик масъул бўлса, аёл ҳам шундай. Қолаверса, аёл ва эркак зиммасидаги вазифалар маълум қоидалар, меъёрлар асосидагина эмас, балки оқил табиатнинг ёзилмаган қонунларига биноан ҳам одилона тақсимланган.

...Баъзан нафсига қул бўлган, енгил ҳаётни орзу қиладиган, ҳою ҳавасга берилган аёлларни учратганда дилинг ранжийди. Арзимас сабабларни рўкач қилиб, нопок кўчаларга кириб қолаётган заифаларнинг иродаси заифлашгани дилга ғашлик солади. Ваҳоланки, Тўмарису Бибихоним, Нодирабегиму Увайсий каби ўтмишда бемисл жасорат кўрсатган, номи тарихда муҳрланган аёллар ҳам бизнинг аждодларимиздир. Кайвони момоларимиз, юз ёш билан юзлашаётган табаррук замондош онахонларимиз ҳаётидан ҳар қанча ибрат олсак арзийди.

Ҳ.Бердиевнинг юқорида номи тилга олинган мақоласида таъкидланганидек, учтўрт сўм пул топиб босартусарини тополмай қолган, ёки нафс илинжида турли кўчаларга кириб чиқаётган аёлларга ибрат қилиб кўрсатса арзийдиган замондош хотин-қизларимиз талайгина. Улар ўзларининг бахтини, обрўсини ҳалол меҳнат билан топмоқда. Биргина мисол: Қўшработ туманидаги Кўрғон қишлоғида яшовчи Пардахол Хидирова "Фарида" хусусий тадбиркорлик фирмаси ташкил этганига 10 йил бўлди. 15 нафар хотин-қиз фаолият кўрсатаётган фирма маҳсулотлари — қуроқ, кашта, зардўзлик буюмлари одамларнинг яхши кунларида уйларининг тўрида кўрк бағишлаб турганини кўриб қувонасан киши. Попопчилик, бичиш-тикишда ҳам уларнинг олдига тушадигани йўқ.

— Қиз бола — палахмон тоши, дейдилар. Ҳамма унинг борган жойида тиниб-тинчиб кетиши учун хушмуомала, саранжом-сариштa, чаққон бўлишини истайди, — дейди Пардахол опа. — Лекин қўлида гулдек ҳунари бўлган келиннинг ҳурмати ўн чандон ошади. Ўтган ўн йилда корхонамизда ҳунар ўрганиб, фаолият юритган 40 дан зиёд қизлар бугун қайнонаю қайнота хизматида. Уларнинг ҳунарлари орқасидан олқиш олаётганини эшитганимда кўнглим шодланади. Чунки бунда менинг ҳам ҳиссам бор — дейди яна у фахр билан.

Фақат ўзи эмас, ўзгаларни ҳам қувонтира олган инсон икки карра бахтлидир, дейишади. Шундай бахтдан масрур Пардахол опанинг фирмасида ишлар янада кенг тус олмоқда. Дарвоқе, корхона қошида 5 нафар уй бекаси касаначилик фаолияти билан шуғулланяпти. Бу ҳам опанинг изланишлари меваси, албатта.

Ё бўлмаса, каттакўрғонлик Файзинисо Шукурована олайлик, у тадбиркор сифатида ҳурмат қозонган инсон. Бундан йигирма йил аввал биринчилардан бўлиб тадбиркорликка қўл урган бу аёл асло тиниб-тинчимайди. "Зебо" хусусий маиший хизмат кўрсатиш корхонаси фаолиятини янада яхшилаш учун ҳаракат қилади. Корхона қошида ташкил этилган бичиш-тикиш цехи, сартарошхона, уй-рўзғор буюмлари ва маиший техника воситаларини таъмирлаш устахонасининг намунали хизмати ҳаммага манзур. Қирқ нафардан ортиқ киши шу ерда ишлаб рўзғор тебратяпти.

Қўшработ туманининг Кўрғон қишлоғидаги "Фарида" фирмаси зардўзи Насиба Эшқувватова.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Узоққа бормайлик. Китоб тумани "Бешқозоқ" маҳалла фуқаролар йиғинида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаётган Азиза Юсуповани хотин-қизлар орасида ҳурмати баланд. Санъатга ошуфта бу аёлнинг "Ризвонгул" фольклор этнографик дастаси билан айтган ашулаю лапарлари, чиройли рақсларини кўрганда тасанно дейсиз. Турли тадбирларда олинган суратларга тартиб бераётган Азиза опани суҳбатга тортдим:

— Яқинда "Қўли гулдир ўзбек аёлин" кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилади. Шунга тайёргарлик, — деди у. — Уларнинг орасида ҳатто юз йиллик дўппилар бор. Мана буни онам тикканлар. Ишонасизми, юз ёшга кирган бўлсалар-да, ҳануз тикиш қиладилар. Шогирдларим бор. Тиккан буюмларимизни чет элликлар ҳавас билан томоша қилса, ҳайратланиб саволлар берса завқланаман.

Эътибор бердингизми, бир эзгу иш иккинчисини бошлаб келади. Юқорида фаолияти айтиб ўтилган уч нафар аёл ҳам бир иш ёки соҳа билан чекланиб қолмаган. Умрларини фақат фойдали амалларга сарфлаб, барчага наф келтириш йўлида меҳнат қилиб ҳаёт завқини туйиб яшаяптилар, тадбиркорлик, ишбилармонлик қобилиятларини намойиш этяптилар. Зеро, Юртбошимизнинг шу йил 21 январь куни бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришини таъминлайдиган замонавий тузилмаларини шакллантиришда ва янги иш ўринларини ташкил қилишда ҳамда аҳоли даромадларни оширишда нечоғли муҳим ўрин тутишини яққол кўриб турибмиз.

Жума шаҳридаги каштачи қизлар — Чарос Сафарова ва Гўзал Назарова.

Ҳаётини фарзандлари келажаги, бахту иқболига бағишлаган, оилани муқаддас билиб камтарона яшаган, қадоқ қўллари билан ҳайратга сабаб бўлгулик мўъжизалар яратаётган ўзбек аёллари доимо ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ.

Ҳаётини ўйинчоққа айлантираётган одам, хоҳ у аёл, хоҳ эркак бўлсин, албатта, бир кун келиб қилмишларидан пушаймон бўлади.

Зебинисо ЖЎРАЕВА
Китоб тумани.
Тоҳир НОРҚУЛОВ олган суратлар

Кино

28 январь куни «Ўзбеккино» миллий агентлигида бугунги кунда яратилаётган бадиий фильмлар атрофлича муҳокама қилинган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда таниқли режиссёр ва актёрлар ҳамда хусусий студиялар вакиллари иштирок этди.

Фильмлар муҳокамаси

Тадбирни олиб борган «Ўзбеккино» миллий агентлиги директори Аъзам Исоқов бадиий фильмларда кўтарилаётган мавзулар миллий одоб-ахлоқ мезонларига зид бўлишига йўл қўймаслик, кино сценарийларни агентлик Бадиий кенгаши муҳокамасидан ўтказиш зарурлиги хусусида тўхталди:

— Кейинги пайтда бизга тақдим этилган сценарийларда жисман ва руҳан мажруҳ инсонларни бош қаҳрамон сифатида олиб чиқиш, тадбиркорларни маънан тубан инсонлар сифатида тасвирлаш, отасининг пулига керилиб юрган маиший бузуқ йигитларнинг бош қаҳрамон сифатида талқин этиш каби ҳолатлар учрамоқда, — деди у. — Сийқаси чиқиб кетган мавзуларда суратга олинган кинони ўтказиш учун ҳар қандай нарсадан тап тортмаётганлар ҳам йўқ эмас. Шу боис, талабга жавоб бермайдиган бир қатор фильмларнинг намойиши тақиқланди, дейилди йиғилишда.

Тадбирда соҳа тараққиётига тўсиқ бўлиб турган бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

* * *

Шу куни Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ўргимчак тўри» бадиий фильмининг премьераси ҳам бўлиб ўтди. Унда гиёҳвандликдек жирканч иллат домига тушиб қолган кишиларнинг аянчли тақдири тасвирланган. Фильм сценарийси адиб Тоҳир Малик ва постановкачи режиссёр Мансур Абдуҳолиқ қаламига мансуб. Ролларни таниқли актёрлар С.Умаров, Р.Шодиева, С.Юнусова ҳамда ёш актёрлар А.Расулов, Д.Арабшоев, С.Солиевалар ижро этишган.

Фильм қаҳрамонларидан бири Икром ака (Саидкомил Умаров) маънан чиркин киши. Гиёҳванд моддаларни сотиб кун кўради. Бир куни фош бўлиб қолиши хаёлига ҳам келмайди. Аммо... Ҳаром топилган пулнинг касофати ўғли — Ўлмасга уради. Ўлмас отасининг пулларини ўғирлаб, икки дўсти билан кайфу сафога берилиб, маънавий қиёфасидан жудо бўлади. Ота қазиган чоҳга ўғил йиқилади. Яна бир қаҳрамон Жасур ҳам гарчи аввалги қилмишлари учун жазо муддатини ўтаб чиққан бўлса-да, бундан сабоқ чиқармаган. У ҳалол меҳнат қилиш ўрнига гиёҳванд моддалар сотиш орқали мўмай пул топишни афзал кўради. Бу йўлда ҳатто касалманд отаси ҳам, турмуш ўртоғи гиёҳванд бўлиб қолган оғираёқ опаси ҳам, йўлига муштоқ онаси ҳам кўзига кўринмайди.

Гиёҳвандлик шак-шубҳасиз кишиларни тубсиз жарлик томон етаклайди. Фильм қаҳрамонлари қисмати ҳам бундан мустасно эмас, албатта. Айбдорлар жазога тортилади. "Ўргимчак тўри"га илашганлар ҳам руҳан, ҳам жисман ҳалокатга учрайди. Фақат ўз севган йигитини бу тубсиз чоҳдан чиқариб олиш йўлида жонфидолик қилган қиз ва муҳаббат ҳар қандай чиркинликни енгувчи илоҳий куч эканини тушуниб етган йигитгина омон қолади...

Албатта, фильм баъзи жузъий камчиликлардан холи эмас. Аммо, нима бўлганда ҳам, ижодкорларни бугунги кун одамларига, айниқса, ёшларга огоҳлик қўнғироғини чалувчи яхши фильм яратганликлари билан табрикласа бўлади.

P.S. *Фильм таклифномасида қайд этилган бир оғиз сўз хусусида: Таклифноманинг орқа томонида кино саройининг номи «ALISHER NAVOIY» деб эмас, «ALI SHERNAVOIY» тарзида берилгани ажабланарли. Қолаверса, «NOMLI» сўзида ҳам О ҳарфи ўрнига Q ҳарфи ишлатилган. Албатта, бу арзимас хатодек туюлиши мумкин. Аммо унда давлат тилимизга ҳамда буюк бобокалонимизга бўлган ҳурмат ва эътибор қаерда қолади? Шу боис, ташкилий масалалар билан шуғулланувчи мутасаддилар бу ҳақда ҳам жиддий ўйлаб кўришса яхши бўларди.*

Иномжон АБДИЕВ

Молия муассасаларида

«АГРОБАНК»: юрт фаровонлиги хизматида

AGROBANK

Мамлакатимиз иқтисодиётининг аграр секторини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва кенг турдаги банк хизматларини амалга ошириш йўлида «Агробанк» очиқ турдаги тижорат банкининг ўрни ва фаолият самараси йил сайин салмоқлироқ аҳамият касб этиб бормоқда.

Мазкур молиявий муассасанинг халқаро миқёсда «Барқарор» тоифадаги тўлиқ рейтингга эга экани ва шу қаторда, юқори даражада кредит тўловларига лаёқатлиги кўпчиликка маълум. Мазкур банкнинг жаҳон молиявий инқирози шароитида корхоналар ва компанияларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш, пахта ва дон, мева-сабзавот ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлашга йўналтирилган аграр соҳа корхоналарининг ишончли ҳамкори сифатида кенг эътироф этилгани боиси ҳам шунда.

Ҳозирда «Агробанк» ОАТБ жамоалари сарҳисоб кўрсаткичларни янада мустаҳкамлаш, Республикамиз Президенти томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинган 2011 йил учун белгилаб олинган устувор вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш чора-тадбирларини кўришмоқда. Банкнинг Наманган вилояти бошқармаси фаолиятида ҳам ана шундай изланиш ва кўтаринки саъй-ҳаракатнинг гувоҳи бўлдик.

КРЕДИТЛАШ — ТАРАККИЁТ ОМИЛИ

Бошқарманинг хусусан, кичик бизнес субъектларини кредитлаш ва мониторинг қилиш бўлими ҳамда унинг туман бўлимлари 2010 йилнинг ўзидаёқ кутилган кўрсаткичлардан юқорироқ самарага эришганини эътироф этмоқ жоиз.

Республикамиз Президентининг кам таъминланган оилаларга чорва моллари сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича кўрсатмаларига изчил амал қилган ҳолда, ўтган йили банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ана шу йўналиш бўйича белгиланган 680 миллион сўм ўрнига 687 миллион сўмлик кредит маблағлари берилди. Бандлик жамғармаси ҳисобидан келиб тушган 190 миллион сўмлик ресурс маблағи ҳам қўшимча ҳолда Ҳаққулобод, Поп ва Уйчи туманларининг кам таъминланган оилаларига имтиёзли кредит қилиб тарқатилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига «Агробанк» вилоят бошқармаси ҳамда унинг жойлардаги филиаллари томонидан ажратилган маблағлар шарофати билан 2761 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Шунингдек, саноат ва қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва савдо воситачилиги йўналишлари учун ажратилган кредит маблағлари ҳам белгиланганидан анча зиёд экани ва юксак самаралар келтиргани қувонарлидир.

Бошқарма тасарруфидаги барча туман филиаллари, минибанклар, махсус кассалар, электрон тўловларни қабул қилиш шохобчалари орқали 20 минг нафарга яқин мижозларга сифатли ва кенг кўламли банк хизматлари кўрсатилмоқда.

Бир қатор ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва маҳсулот экспорти салоҳиятини ошириш мақсадида, уларга йирик миқдорда кредит маблағлари ажратиб келинмоқда. Жумладан, «Чуст Агромир» қўшма корхонасига мевани қайта ишловчи технологик линия сотиб олиши учун 488 миллион сўм имтиёзли кредит берилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига, шунингдек «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига амал қилинган ҳолда, янги иш ўринларини яратиш ва савдо тизимини ривожлантириш, жумладан, яроқсиз ҳолдаги дўконларни таъмирлаш учун катта миқдорда кредит маблағлари йўналтирилди.

Тўрақўрғон пахта тозалаш заводини модернизация, Учқўрғон пахта тозалаш заводини эса реконструкция қилиш ҳамда «Намангандон маҳсулотлари», «Учқўрғондон маҳсулотлари», «Попдон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятларига ҳам янги жиҳозлар сотиб олиш ва таъмирлов-реконструкция мақсадлари учун «Агробанк» ОАТБнинг вилоят бошқаруви томонидан узоқ муддатли кредит маблағлари ажратилди.

«Агробанк» ОАТБ бошқаруви микромолиявий хизмат кўрсатиш йўналишида ўтган йили 589 нафар тадбиркорлик субъектларига 6 миллиард 339 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратиши пировардида 1183 та янги иш ўринлари яратилди.

Молия муассасаларида тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, улар учун ажратилган кредит маблағлари 1 миллиард 890 миллион сўмни ташкил этиб, янги яратилган ишчи ўринлари 350 тага етди.

Ёш оилалар учун ажратилган имтиёзли кредит маблағлари эса олдинги йил кўрсаткичларидан тенг баравар зиёдроқ бўлгани қувонарли ҳол.

— Уйланганимга икки йил бўлди. Умр йўлдошим Санобархон билан пахта заводида бирга ишлаймиз, — дейди тўрақўрғонлик Адҳамжон Миралиев. — Баркамол авлод йилида корхонамиз бизга янги уй берди. «Агробанк»дан ажратилган имтиёзли кредит ҳисобидан замонавий уй ҳиҳозлари сотиб олдик. Бунинг учун давлатимиз ва банк маъмуриятидан миннатдормиз.

— Ўтган йили «Агробанк»да очилган «Баркамол авлод — 2010» номли омонат турига жамғарма қўйиб, йил охирида 28 фоиз фойда кўрдим, — дейди чустлик автокранчи йигит Беқмурод Олимов. — Бу йил энди «Агробанк»нинг «Мустақиллик» жамғармасида иштирок этиш ниятим бор.

Шу қаторда, вилоятда касаначилик ҳам кенг қулоч ёзаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу йўналишда молия муассасаси 247 миллион сўм ажратганди. Натижада иш ўрни яратилишига эришилди.

Банк бўлимлари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг пахта ва ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинди. Ажратилган имтиёзли кредитлар қишлоқ хўжалигида агротехник тадбирларнинг ўз муддатида бажарилишида, минерал ўғит ва нефть маҳсулотлари таъминоти узлуксизлигини таъминлашда, қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишчи-ходимларнинг иш ҳақи тўловларини ўз вақтида амалга оширишда, контракция шартномаларида белгиланган пахта ва ғалла етиштириш режаларининг бажарилишида муҳим омил бўлиб келаётир. 2010 йилги пахта ҳосили харажатлари учун 32 миллиард 198 миллион сўм, ғалла ҳосили ҳаражатларига эса 12 миллиард 401 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилгани фикримизнинг далилидир.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги корхоналарига ҳайдов тракторлари ҳаражатига 130 миллион сўм ва чопиқ тракторлари учун 1 миллиард 72 миллион сўм, уруғлик картошка сарфлари учун 1 миллиард 607 миллион сўм ва паррандачиликни ривожлантириш мақсадларига 295 миллион сўм миқдорида тижорат кредитлари берилди.

ҚУЛАЙ ВА САМАРАЛИ ВОСИТА

Вазирлар Маҳкамасининг пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тезлигини ривожлантириш бўйича чиқарилган қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Агробанк» вилоят бошқармасининг барча шаҳар ва туман бўлимлари томонидан изчил равишда бир қатор самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, ўтган йили қўшимча 34,259 дона пластик карточка муомалага чиқарилиб, уларнинг сони жами 132,685 тага етказилди.

Муомалага чиқарилган пластик карточкалар ҳисобварақларига йил давомида жами 192 миллион сўмлик маблағлар жалб қилинди. Бу рақамлар 2009 йилдагига нисбатан икки ярим баробарга ўсганини кўрсатиб турибди.

2010 йил ичида савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш субъектларига қўшимча 323 та терминаллар ўрнатилиб, уларнинг умумий миқдори эндиликда 1246 тага етди.

Бундан ташқари, аҳоли ўртасида пластик карточканинг афзалликлари ва қулайликларини тушунтириш ва тарғиб қилиш, бу орқали мамлакатимизда ҳисоб-китоб ишларининг нақд пулсиз амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшиш асосий мақсад қилиб белгилаб олинган.

Айни пайтда, юқорида келтирилган кўрсаткичларни янада мустаҳкамлаш, ушбу тизим бўйича амалга ошириладиган ишларни жадаллаштириш, сифатли ва тезкор хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича бир қатор самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Маълумки, 2010 йилда Республика «Агробанк» ОАТБ Бошқаруви томонидан, хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларидан халқ хўжалигида унумли фойдаланиш мақсадида номинал қиймати 1,0 миллион сўм бўлган корпоратив облигациялар муомалага чиқарилганди. Ҳозирда ана шу облигациялардан 370 миллион сўмлиги «Агробанк» вилоят бошқармаси орқали юридик шахслар томонидан жойлаштирилди.

— Бошқарув томонидан муомалага чиқарилган ана шу депозит сертификатларини юридик шахслар орасида жойлаштириш кўламини 2011 йилда янада кенгайтириш бўйича муайян тадбирларни ишлаб чиқдик, — дейди биз билан суҳбатда банкнинг қимматли қоғозлар бўлими бошлиғи Абдубанноб Худойназаров.

Давлатимиз раҳбари 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида барчамизнинг зиммамизга қанчалар юксак масъулият юклаётганини айтиб ўтдилар.

Жумладан, тижорат банклари зиммасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли сармоялар бериш, биринчи навбатда инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмларини такомиллаштириш, микрокредитлар бериш кўламини янада кенгайтириш вазифалари алоҳида уқтирилди.

ОАТБ «Агробанк»нинг Наманган вилоят бошқармаси жамоаси ҳам ана шу юксак ва шарафли вазифалардан келиб чиққан ҳолда, 2011 йилда ўз фаолиятининг барча йўналишларида хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигининг янги марраларини эгаллаш йўлида тиним билмай ҳаракат қилишига шубҳа йўқ.

Солиҳ ҚАҲҲОР,
«Hurriyat» мухбири ®

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

МАДАНИЯТ

Самоват сеҳри

Майданакдан коинотгача

Азал-азалдан аждодларимиз само сирларига қизиқишган. Хоразм Маъмун академияси, Улуғбек расадхонасининг довруғи оламга машҳур Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек сингари машҳур ватандошларимиз томонидан юлдузлар ва бошқа осмон жисмлари ҳаракатларига оид илмий изланишлар олиб борилган, ўнлаб асарлар яратилган. Бутун дунё олимлари ҳозиргача бу илмий кашфиётларни астрономия фани тараққиётига қўшилган мислсиз ҳисса сифатида бирдек эътироф этишади.

Ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институти ва унинг Қашқадарё вилоятидаги Майданак тоғининг ғарбий чўққисида жойлашган обсерваторияси фазони тадқиқ этишда пешқадам масканлардан ҳисобланади. Мазкур обсерватория ҳаво очиқ кунлар сони, осмон жисмларининг тасвирий сифати бўйича Канар ва Гавайи ороллaридаги, шунингдек, Чилининг Атакама чўлидаги энг яхши халқаро обсерваториялардан қолишмайди. Буни бугун бу ерда қўлга киритилаётган ютуқлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, ўтган йили Баҳодир Ҳафизов ва Алексей Сергеев томонидан кашф қилинган янги сайёра юртимиз довруғини яна бир бор дунёга кўз-кўз этди. Марс ва Юпитер оралиғида жойлашган ушбу сайёрага Юртбошимиз таклифи билан рўю замин сайқали — Самарқанд шаҳрининг номи берилгани эса ҳар бир ватандошимизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди. Эндиликда кўкда Ўзбекистон билан боғлиқ олтита сайёра кезиб юрибди. Булар — "Ўзбекистония", "Авиценна", "Улуғбек", "Беруний", "Хоразмий" ва "Самарқанд" сайёраларидир. Бундан ташқари, ойдаги кратерларга Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Фарғоний, Беруний, Меркурийдаги кратерлардан бирига Навоий, Зуҳра сайёрасидагиларга эса Нодира ва Увайсий номларининг берилиши ҳам бу диёримизнинг дунё илм-фани, маданиятига улкан ҳисса қўшганидан далолатдир.

"Самарқанд" сайёраси обсерваториянинг энг баланд нуқтасига ўрнатилган замонавий «АЗТ-22» телескопи орқали кашф этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳозирги вақтда бу телескоп орқали гравитацион линзалар ва фаол галактикаларнинг ядролари кузатилмоқда. Дарвоқе, бу ерга ўрнатилган телескопларнинг деярли барчаси компьютерлаштирилган дастурлар асосида ишлайди. Улар орқали кузатилаётган объект ССД-камераси ёрдамида тўғридан-тўғри компьютерга узатилади, сўнгра ўрганиб, таҳлил қилинади.

Обсерваториянинг имкониятлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш учун биргина мисол келтириш кифоя. Майданакда туриб ойнинг (385 минг километр узоқликда) 1 километр ўлчамдаги ландшафт қисмларини кузатиш мумкин бўлса, телескоп МКС орбитал станциясига йўналтирилганда, ҳатто 1 метр ўлчамдаги қисмларни, яъни станциядаги носозликларни тузатиш учун очиқ космосга чиққан космонавтни ҳам яқиндан кўриш мумкин.

Обсерваторияда айни пайтда кўплаб диққатга сазовор илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, 1 метрлик телескопда галактиканинг шимолий қутб ҳудуди ва Қуёшга қўшни ҳудудлардаги тўсилувчи ўзгарувчан юлдузлар кузатиляпти, 60 сантиметрлик телескопда эса тутилувчан юлдузлар ва Юпитер йўлдошлари ўрганиляпти. Ўта муҳим лойиҳалардан яна бири Қуёш тизимидан ташқаридаги ёш юлдузларни кузатишдан иборат.

Майданак расадхонаси 2001 йилдан бери АҚШнинг Уэсли университети ҳомийлик қилган ёш юлдузларни кузатувчи гуруҳ ишида қатнашиб келади. Турли юрт астрономларидан иборат ушбу гуруҳ сайёра ҳосил қилиш ёшида бўлган KH15D юлдузининг ноёб тузилиши ва ҳаракатини кузатмоқда. Институт астрономи Шукур Холиқов эса айни чоғда қуёшнинг ички тузилишини тадқиқ қилиш учун Аризонадаги "Глобал тебранишлар тармоғи" гуруҳида Миллий қуёш расадхонаси билан ҳамкорликда иш олиб боряпти. Унинг космик саёҳат ва иқлим тадқиқотларига бевосита дахлдор бўлган маълумотларни ўрганиш мақсадида энг таниқли қуёшшунос олимлардан таркиб топган халқаро гуруҳ билан бирга ишлаётгани кишида фахр туйғусини уйғотади.

Самода сир-синоат кўп. У ҳар қанча ўрганилмасин, ҳар сафар янгиянги маълумотлар инкишоф этилаверади. Масалан, айрим кометаларнинг миллионлаб километрга чўзилиб кетган думи (улар аслида музлаб қолган газлардан иборат)нинг ҳажми инсон оғзидан чиқадиган ҳовурдан ҳам камлигига ким ишонарди дейсиз? Ёки галактикамиз ва сайёрамиздаги моддаларни олайлик, улар коинотдаги моддаларнинг бор-йўғи 4 фоизини ташкил қилади, холос. Қолган қисмини ойдинлаштиришга илм-фаннинг қўли ҳозирча калталик қилмоқда.

Кейинги пайтларда турли комета ва астероидларнинг ер билан тўқнашиши ва шу тариқа ҳаёт тугаши билан боғлиқ шов-шувлар хориж матбуотининг биринчи саҳифаларидан тушмай келади. Бу қанчалик илмий асосга эга? Само жисмлари ердаги ҳаётга ўз таъсирини ўтказадими? Барчамизни қизиқтириши табиий бўлган шу ва шу каби саволлар билан Астрономия институти директори ўринбосари Собит Илёсовга мурожаат этдик.

— Ҳозирги кунда 500 мингдан зиёд астероид — кичик сайёралар аниқланган, дейди суҳбатдошимиз. — Улар турли сабабларга кўра вақтивақти билан ўз орбиталарини бетартиб ўзгартириб туради. Шу пайтда баъзи астероидлар сайёрамизга яқинлашиши мумкин. Ҳозирда 6200 дан зиёд шундай астероидлар «Ерга яқинлашувчи астероидлар» гуруҳини ташкил этади. Хорижий оммавий ахборот воситаларида шов-шув қилинаётган 2012 йилда рўй бериши мумкин бўлган охир замон ҳақидаги гапсўзлар ҳеч қандай илмий асосга эга эмас. Бундай миш-мишлар, айниқса, "2012", "Армагеддон" фильмлари экранга чиққанидан кейин кучайиб кетди. Бу фильмлар одамлар эътиборини жалб қилиш, катта пул ишлаб топиш мақсадида яратилганига шубҳа йўқ. Биргина мисол: "2012"да Қуёшдан чиқадиган нитриналар ҳамма нарсалар билан таъсирлашиши айтилади. Аммо амалиётда у бундай бўлмаслиги исботланган. Уни ҳатто энг замонавий асбоблар билан ҳам аниқлаш мушкул. Таажжубланарлиси, у фақатгина совун кўпигида (Буни аниқлаган олим Нобель мукофотига сазовор бўлган) из қолдиради.

Ёки Апофис астероиди тўғрисидаги турли миш-мишларни олайлик. Тўғри, Апофис эҳтимолий хавф туғдирадиган астероидлар рўйхатига киритилган, унинг 2036 йили ерга энг яқин нуқтадан ўтиши ҳам бор гап. Аммо ваҳима қилиш ярамайди. Сабаби бугун инсон фазога ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Масалан, БМТнинг махсус қарори билан Япония, АҚШ, Буюк Британия ва Россия ҳукуматлари махсус Космик қўриқхона хизматларини ташкил этган. Бундай хизматларнинг вазифаси ерга хавф туғдирувчи астероидларни узлуксиз кузатиб бориш ва ерга хавфли масофага яқинлашиши мумкин бўлганларининг орбиталарини аниқлашдан иборат. Айтайлик, бирор-бир астероид билан тўқнашувнинг эҳтимоли каттaлиги аниқланса бу муаммо икки йўл билан ҳал этилиши мумкин. Биринчисида астероиднинг сиртига махсус кучли акс эттириш хусусиятга эга модда сепилади ёки материал қопланади. Шунда унинг орбитаси қуёш нурланишининг босими таъсирида аста-секин ўзгаради. Иккинчиси — астероидни космик аппаратдан ядровий заряд билан тўпга тутиш. Бунда астероид парчаланиб кетади ва хавф бартараф этилади.

Албатта, кимгадир бу хаёлотдай туюлиши мумкин. Бироқ у аллақачон синовдан ҳам ўтказилганини таъкидлашни истардим. Масалан, 2005 йили АҚШнинг Аэронавтика ва космик тадқиқотлар миллий агентлиги — НАСА Темпель кометаси томон космик аппарат учирган ҳамда кометага яқинлашганда унга қарата 370 килограммлик тўп отганди. Натижада комета юзасида улкан ўра ҳосил бўлган. Демак, хавотирга ўрин йўқ. Бу борада Япония Миллий астрономия обсерваторияси мутахассислари институтимиз қошидаги Майданак обсерваторияси билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётгани қувонарли ҳол.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда астраномия соҳасида оламшумул кашфиётлар қилинди. Бунда бизнинг ватандош алломаларимизнинг ҳам ҳиссаси борлигидан ҳар қанча фахрланса арзийди. Негаки, сирли осмон тоқига илк бор бизнинг боболаримиз нарвон қўйишди. Бугун ана шу пиллапоядан дунё олимлари самога бўйламоқда. Мутафаккир аждодларимизнинг муносиб издошлари томонидан қўлга киритилаётган ютуқлар эса буюк кашфиётларнинг дебочаси бўлиб қолажагига шубҳа йўқ.

Иномжон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири





Спорт

ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Грециянинг Салоники шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда дунёнинг йигирма мамлакатидан келган юз нафардан зиёд полвон ғолиблик учун гиламга чиқди.



Олимпиада ватанида бўлиб ўтган "Ислом Каримов" VII халқаро турнирида энг кескин ва муросасиз беллашув тўқсон килограммгача бўлган вазн тоифасидаги финал учрашувида, таниқли полвонларимиз — икки карра жаҳон чемпиони Шерали Жўраев ва истеъдодли курашчи Зафар Бўриев ўртасида бўлиб ўтди. Рақибини мағлубиятга учратган Шерали шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Зафар Бўриев эса кумуш медаль билан кифояланди. Учинчи ўрин грузиялик Гиоргий Ладзега насиб қилди.

Эътиборли томони, бу галги мусобақада илк маротаба хотинқизлар ўртасида 63 килограмм вазн тоифасида ҳам беллашувлар ташкил этилди. Унда барча рақибаларидан устун келган ҳамюртимиз Ўғилой Нуралиева Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобига яна бир олтин медални қўшди. Болгариялик Марина Волчиева иккинчи, Украина вакиласи Елена Ризак учинчи ўринни эгаллади.

Халқаро турнирнинг мутлақ вазн тоифасидаги финал баҳсида ўзбекистонлик курашчи, жаҳон чемпиони Давлат Чориев ва грециялик Василиос Илиадис ўзаро куч синашди. Қизиқарли ўтган беллашувда ўзбек кураши усулларини пухта ўзлаштирган Василиос Илиадиснинг қўли баланд келди. Мезбонларнинг яна бир вакили Ионисис Илиадис эса бронза медалга эга чиқди.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ ЎТКАЗИЛАДИ

www.fanat.uz сайтининг тарқатган маълумотларига кўра, футбол бўйича Ўзбекистон ва Кувайт миллий терма жамоалари ўзаро ўртоқлик учрашуви ўтказишга келишиб олишган.

Ушбу ўйин жорий йилнинг 9 февраль куни Кувайтда бўлиб ўтиши режалаштирилган.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ КУЧЛИЛАР САФИДА

Футболга ихтисослашган www.goal.com сайти томонидан Осиё кубоги — 2011 якунлари бўйича мусобақанинг рамзий терма жамоаси тузиб чиқилди.

Унга кўра, 2 нафар ўзбекистонлик футболчи — Одил Аҳмедов ва Сервер Жепаров мазкур рўйхатдан жой олди. Шунингдек, рамзий терма жамоа сафидан 3 нафар австралиялик, 4 нафар японияник ва 2 нафар жанубий кореялик футболчилар ўрин эгаллаган.

Азим РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ

1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!
Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

e-mail: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси —	8-361-505-19-11	Қашқадарё —	8-375-357-75-10
Андижон —	8-374-250-90-39	Сурхондарё —	8-376-396-30-59
Бухоро —	8-365-592-85-02	Фарғона —	8-373-225-80-58
Самарқанд —	8-366-233-62-12	Хоразм —	8-362-224-73-33
		Навоий —	8-436-748-63-11

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фозил ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 1.40

® — тижорат белгиси.

Адади: 9212 Буюртма — Г-226 123 5